

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Тарих” кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

МАВЗУ: *Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий”*

Асари тарихий манба сифатида

Битирувчи: Мирзалиев Раҳимжон

Илмий раҳбар: Маматов Шарофиддин

ГУЛИСТОН 2014

**МАНЗАУ: Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асари
тарихий манба сифатида**

Кириш.

I-боб .Ўзбекистонда тарихшуносликнинг ривожланиш босқичлари.

1.1. Тарихшуносликда рус босқининг муаммолари.

1.2. Қўқон хонлиги тарихшунослиги.

II-боб. Тарихи Азизий тарих тилсими.

2.1. Асарда халқ ҳаётининг тасвирланиши.

2.2. Асарда халқ қўзғолонларининг ёритилиши.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш.

«Тарих хотираси, халқнинг, жона-жон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳақиқий тарихини тиклаш миллий ўзликнини англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди» -деган президентимиз фикрларида кенг маъно мавжуддир. Тарих – аслида ўзгармас тушунча. Ота – боболаримиз босиб ўтган тарих босқичларини ҳеч қачон ўзгартириб бўлмайди , чунки тарих аллақачонлар рўй берган. Эндиги масала уни қай йўсинда ўрганишда ,талқин қилишдадир. Ана шундагина мазкур соҳа мустақил ватанимиз маънавий-сиёсий асосларини мустаҳкам бўлишига чинакам ёрдам бера олади.

Ҳеч кимга сир емаски , собиқ шўро замонида тарихимиз бир ёқлама талқин етилди, аجدодларимиз қилган зафарлари камситилиб, нуҳсонлари эса ошириб кўрсатилди. Охир- оқибатда ёшлардаги миллий руҳ сустлашди, ёш авлод ота-боболарининг шуқуҳли йўлидан деярли беҳабар қолдилар. Тарихни тугал билмаслик – бу гумроҳликдир. Кимки ўз ватани тарихини билмас экан унда миллий ифтихор туйғулари шакинланмай қолаверади. Негаки , ватанга муҳаббат тарихни ўрганишдан бошланади.

М. А. Марғилонийнинг “ Тарихий Азизий ” китобида яқин тарихимизнинг фожиаи даври , яъни мустамлакачилик тартиблари ўрнатилиши ўз ифодасини топган. XIX- асрнинг ўрталарига келиб Туркистон сарҳадидаги уч давлат- Хива хонлиги , Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги мавжуд бўлиб , асарда Қўқон хонлиги яъни Фарғона вилоятида Россия бошқарув усулининг шафқатсизларча истело қилгани тарих ҳақиқати асосида

ёритиб берилган. Босқинчиларга бўйсуниб ўзбек халқи руҳиятига тўғри келмас эди. Шу сабабдан миллий- озошлик ҳаракатлари авж олиб кетган. Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг “Тарихи Азизий ” асари ҳам XIX-аср тарихига оид муҳим маълумотларни беради. Давр тақозоси билан бу муҳим асар яқингача илмий изланишлар доирасидан четда қолган эди. Тарихимизга ишончли маълумотлар бериши мумкинлиги жиҳатидан “ Тарихи Азизий ” асари ва унинг муаллифи ҳақида изланишлар олиб бориш ҳозирги кунда долзарбдир.

Гарчанд , ҳарбий жиҳатдан чор Россияси қўшинларидан орқада қолишсада ,ўзбек халқининг асл фарзандлари бўлган миллий қаҳрамонлари итоатда яшашни ор билдилар. Уларнинг бу ғайрату шижоати тарихнинг асл манбаларида гавдалантирилди. Аجدодларимиз мардлиги , дойроқлиги ҳар биримизда фахр туйғусини жўш урдириши табиий . Отабоболаримизни мардоновор кураши , она- ватан , эл-улусга чексиз садоқати авлодлар учун ибрат намунасидир. Зеро , Президентимиз таъкидлаганларидек “ Ишончимиз комилки ,халқимиз тарихнинг мураккаб жараёнларида иродаси чиниқиб , ҳар қандай ҳужум ва таъйиқларга қарамасдан , маънавий олами кучайиб ва юксалиб бораётгани , бизни кўролмайдиган кучлар ҳам бу ҳақиқатни тан олаётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Чунки халқ- бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон . Уни йўлдан қалғитишга уринувчилар , пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамини бўлган , бундан кейин ҳам бўлиши

мумкин. Карвон беҳатар бўлмас , деган гап бежизга айтилмаган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтара олмайди. Нега деганда, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос йенгилмас куч – маънавият бор. [2 – 172 -б]

Мавзунинг ўрганилиш даражаси: Ўзбек хонликларининг подшо томонидан босиб олинishi ва мустамлакачилик сиёсати Мустақиллик йилларида тарихчи олимларимиз томонидан кенг кўламда талқин қилина бошланди. Ҳозирги кунларда маънавиятимиз негизларига аҳамият беришимиз , табиий ҳолга айланди. Ўзбекистон халқлари янги тарихини ўрганиш бугунги куннинг асосий ўрганиладиган масалаларидан бўлиб, тарихга ҳолис баҳо беришда манбалар катта аҳамият касб этади. Маҳаллий тарихчиларнинг ёзма тарихий манбаларида халқнинг сиёсий , иқтисодий ва маънавий ҳаёти кенг ёритилди.

XIX- асрнинг охири XX –аср бошларида Қўқон хонлигида 40-га яқин тарихий-биографик , адабий , тарихий асарлар назму-насрда , ўзбек , тожик ва форсий тилларда яратилган. Жумладан Фазлий Намангоний , Мушриф Исфарагий , Муҳаммад Ҳакимхон , Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий , Дишодий Барно , Мутиб , Мулла Шавқий , Муҳаммад Ниёз Хўқандий , Убайдуллоҳ , Муҳаммад Солиқ хўжа , Мирзо Олим , Муҳаммад Юнус Тойиб , Муҳаммад Азиз Марғилоний ва бошқа тарихчи олимлар ўз асарларида XVIII- XIX асрлар Марказий Осиёда муҳим ўрин эгаллаган Қўқон хонлиги тарихидан ташқари жаҳон тарихи , ўлканинг ўрта асрлар тарихи ва энг асосийси Туркистоннинг Янги тарихига оид

маълумотлар берганлар. Муҳаммад Азиз баъзи воқеаларни баёнидан олдин ёки ёзилгандан сўнг ахборотчиларнинг номларини ва манбаларини айтиб ўтади. Жумладан, муаллиф “Таихи Нигористон” (Мавлоно ибн Муҳаммад ал маъруф ба қози Аҳмад ал Фарғоний), “Табақоти Носирий” (Минҳожиддин Абу Умар Усмон ибн Сирожиддин Муҳаммад Журжоний) “Тарихи Гузида” ва “Нузхат ул-қулуб” (Ҳамдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Аҳмад Носир Муставфий Қазвиний), “Маталь ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн” (Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исоқ ас-Самарқандий), “Зафарнома” (Ал Яздий) “Тарихи ибн Аҳмад Аъсом” (Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Аъсом ал Куфий), “Масолик ва мамолик” (Ал – Истахрий), “Ҳабиб ус-сийар фи ахбор афрод ил-башар” (Хондамир – Ғиёсуддин ибн Ҳумомиддин Муҳаммад) ҳамда тарихчи Муқаддасий, “Ҳидояи шарифи имом Бурҳонуддин”, “Тарихи Юсуф Сажовандий” “Тарихи Хусрав Деҳлавий”, “Тарихи имом Ефетий”, “Марвнинг мухтасар тарихи”, “Самарқанд тарихи”, “Тузуки Темурий” номларини келтирган. Муҳаммад Азиз “тожик” ва “сарт” сўзларига шарҳ беришда “Ғиёз ул-луғот”, “Сирож ул-луғот” ва “Мунтахаби ҳалли луғот” номли асарларидан фойдаланганлигини алоҳида Муаллиф келтирган бу рўйхат орқали кўп манбалардан фойдаланганлигини кўрамиз [12 -93 -б.]

Шу вақтга қадар ундан Р. Н. Набиев “Қўқон хонлиги тарихидан” номли асарида “Тарихи Азизий” нинг Худоёрхон даврига оид маълумотлардан фойдаланиб номини “Таскирайи Ғариб” деб берган. Кейинги

тадқиқотлар асарнинг асл номи “Тарихи Азизий” эканлигини исботлади. “Тарихи Азизий” нинг ягона нусхаси муаллифнинг дасхати бўлиб, Ўзбекистон республикаси Ф А Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Муҳаммад Азиз Марғилоний ўз асарида тарихий воқеликлар билан бирга ўз таржимаи ҳолига оид кўп маълумотларни ҳам берган. Муҳаммад Азизнинг отаси Муҳаммад Ризо Қўқон хонлари хизматида бўлиб, аслида Наманганнинг Чимёнидан экан.

Битирув ишининг мақсади: Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, Битирувчи ўз олдига қуйдаги мақсадларни қўяди:

- асардаги халқ аҳволини талқин қилинг.
- Фарғонада Рус мустамлакачилигининг бошқарув сиёсати ва унинг оқибатларини ёритинг.
- Қўзғалонларнинг бошланиши ва унинг оқибатларини талқин қилинг.
- Рус босқини даврида Фарғонадаги маънавий ҳаёт жараёнини таҳлил қилиш.

Тадқиқотчининг вазифалари. Юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун тадқиқот иши олдига қуйдаги вазифалар қўйилади:

- айрим монографиялар, илмий тўпламлар ва кўп сонли мақолаларда ва асардаги маълумотларни чуқур ўрганиб, Фарғона худудидаги рус мустамлакачилиқ давридаги ҳаётни янги асосларда тадқиқ этиш.
- Ўзбекистон тарихида бу асарнинг тутган ўрни ва тарихий, маданий алоқаларидаги аҳамиятини очиқ бериш.

Зеро , бундай ёндошув Ўзбекистон тарихининг янги асосларда ёритиш да муҳим аҳамият касб этади.

Битирув ишининг назарий-услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида баён қилинган Ватанимиз тарихини асл манбаларга таянган ҳолда ҳаққоний ўрганиш ва яратиш , холислик ва тарихийлик анъаналарига асосланган янги услубий ёндошув ғоялар ва хулосаларга йўғрилган бўлиб , ўзбек давлатчилиги тарихининг чуқур илдизлари ва бой ўтмиши Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек , тадқиқотнинг назарий-услубий йшналишлари Ўзбекистон – нинг янги тарихи концептуал-методология талабларига асосланган бўлиб , мавзунинг таҳлили жараёнида цивилизацион ёндошувига риоя қилинади.

Битирув ишининг манбавий асоси. Асар ҳақида ёзилган мақолалар , Шодмон Воҳидлов ва Дилором Сангировалар илмий тадқиқотлари манба сифатида фойдаланилди.

Битирув ишининг илмий янгилиги. шундан иборатки , бу ишда рус босқини даврида ҳалқ аҳволи , маънавий ҳаёти , қўзғалонлар натижалари кенг миқёсида талқин қилинади , холисона ёндошув асосида янгича баҳо берилади.

Битирув ишининг амалий аҳамияти. Битирув ишининг натижаларини Республика олий ўқув юртларининг тарих факултетларида ўқув жараё-

нида тадбиқ этиш мумкин. Янги илмий тадқиқотлар ва асарлар яратишда битирув ишида жамланган маълумот ва хулосалардан кенг фойдаланса бўлади. Бу маълумот ва хулосалар дарслик ва қўлланмалар яратишда муҳим илмий асос вазифасини ўташи мумкин. Ушбу ишда илгари сурилган фикр ва хулосалар кейинги тадқиқотчилар учун аниқ илмий муаммоларни танлаб олиш ва илмий ўрганишда қўл келади. Асардаги маънавий ҳаёти, кам ўрганилган соҳаларининг ишда очиб берилганлиги бу борада амалий аҳамият касб этади.

Битирув ишида таҳлил этилган ва умумлаштирилган маълумотлардан Халқимизнинг ниҳоятда бой тарихий-маданий меросини тарғиб қилиш ва тарих мисолидаги маънавий-маърифий тарбия ишларида, миллий истиқлол ғояларига содиқ комил инсонни тарбиялашда фойдаланса бўлади. Ушбу битирув иши Тарихшунослик, Ўзбекистон тарихи, Манба-шунослик, Туркистонда рус мустамлакачилигига қарши курашиш тарихи фанларини бойитишда ўз ҳиссасини қўшади.

Б М И тузилиши. Кириш, 2-та боб. Хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

I-боб .Ўзбекистонда тарихшуносликнинг ривожланиш босқичлари.

1.1. Тарихшуносликда рус босқининг муаммолари.

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Бугунги мустақиллик шароитида юртнинг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч бўлмаса керак. Халқимиз жуда олис ва бой тарихга эга. Шу давр мобайнида ўзига хос моддий ва маънавий маданият яратган. Бу узоқ давом этган тарихий тараққиёт давомида қанча-қанча йирик давлатлар ташкил этилиб, яна барбод бўлиб кетди. қадимий Буюк Турон халқи кўплаб босқинчиларни, бешафқат зўравонликларини кўрди. Аммо халқнинг маънавий ва моддий мероси билан боғлиқ эзгу анаъналар, расм-русумлар, маросим ва урф-одатлар, дину-этиқодлар, хуллас, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда белгилари асрлар оша сақланиб қолаверади. Зеро улар халқимизнинг миллий тарихий турмуш тарзини, фикрлаш услубини, ҳаётга жамиятга, динга бўлган муносабатларни бошқача айтганда умуминсоний қадриятларни ифодалайди. [1 – 79-б]

Халқимиз тарихини тарихшунослик нуқтаи-назаридан ўрганиш, тарихий тадқиқотларнинг моҳияти, даврлари, муаммоларига диққатни қаратиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Бунда тарихшунослик фанининг ўрнини алоҳида қайд этиш зарур.

Фаннинг мақсади. Бугунги мустақиллик ўз-ўзидан келиб

қолмаганлигини билиш ҳам, жамиятнинг тарихий тараққиётини тушуниш

ҳам, қадимий авлод-аждодларимиз эъзозлаган миллий-маънавий

қадриятларимизни бебаҳолигини англаш тарихшуносликдан бошланади.

Шунинг учун ёшларга тарихни тўғри, аниқ билишини тушунтирсак, пала-партиш ҳолатларни ўзгартиришга қарши ўз фикрини ва мулоҳазаларини айта оладиган билимли кишиларни камол топтиришга хизмат қилади.

Тарихшунослик тарихий воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари, уларнинг келиб чиқишини, авлоддан авлодга ўтиши, тарқалиши шаклини, такрорланишини ўрганади ва таҳлил қилади. Шунингдек, тарихшунослар томонидан тарихга объектив ёндашиш масалалари атрофлича ўрганиб чиқилади.

Фаннинг вазифалари: Юқорида таъкидланган мақсаддан келиб чиқиб, фанни ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

Талабаларга тарихий ҳодисалар нима ва уларнинг ижобий ёки салбий оқибатлар фарқини кўрсатиш, асослаш ҳамда , тарих, этнография, археология, антропология, манбашунослик, тилшуносликка оид далилларни қўллашга ўргатиш;

Тарихий қонуниятлар билан талабаларни таништириб бориш;

Тарихий воқеа-ҳодисаларни изошлаб, аналитик таҳлилга қараб

йўналтирилган тадқиқот олиб бориш йўлини ўргатиш;

Берилаётган далилларга ўз муносабатларини баён қилиш зарурлигини

англатиш ва бунга қўниктириш йўллариини излаш;

Воқеаларнинг тўғри ёзилиш йўллариини, тўғри ва оқилона ҳолатда изоҳ бериш йўллариини ўргатиш;

Республикамиз ҳудуди тарихини ўрганишни кучайтириш,
Ўзбекистоннинг асл тарихини яратиш учун ҳамда амалий тадқиқотлар олиб
боришни давом эттириш зарурлигини кўрсатиш;
Ёшларда тарихга муҳаббат, аجدодлар хотирасига ҳурмат, моддий ва
маънавий меросни кўз қорачиғидай асраш ҳиссини уйғотишни кўзда тутати.

Фаннинг мазмуни.

Ўзбекистон тарихининг турли давлари бўйича жуда кўп ёзма манбалар,
қўлёзмалар тадқиқотлар мавжуд бўлиб уларни тарихшунослик нуқтаи
назаридан ўрганиш бугунги кунинг муаммоларидан биридир.

Тарихшунослик тушунчаси икки маънода қўлланилади: биринчидан, тарихий
билимлар тараққиёти ва тарихий тарақиёт усуллари тўғрисида; иккинчидан,
муайян тарихий даврга ёки муаммога бағишланган тарихий тадқиқотлар
мажмуаси маъносида. Ўрта Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги
деганимизда шу ҳудудда яшовчи халқларнинг энг қадимги замонлардан
ҳозирги давргача бўлган тарихига манба бўлиб хизмат қилувчи тарихий
тадқиқот ёзма манбалар, тарихшунослик асарларини тушунамиз.

Тарихшунос олимлар томонидан кейинги йилларда анча-мунча ишлар
Тарихшунослик тарих фанлари тизимида ўзига хос мустақил ўринга эга.

Унинг ўзининг манбалари, тадқиқот усуллари мавжуд.

Тарихшуносликнинг объекти тарихий жараённинг ўзи бўлмай, балки
тарихий тафаккур, уни ўрганиш, тарих ҳақидаги фан ҳисобланади.

Масалан Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихи, Ўрта Осиё ҳудудида
илк ўрта асрлар тарихи, Ўрта Осиё ҳудудида илк ўрта асрларда мавжуд

давлатлар, араблар итилози, ислом динининг ёйилиши, марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ҳокимиятнинг ўрнаниши. Илк ўрта асрлар ўрта Осиё тарихшунослиги эса бу давр тарихи ўрта асрларда, янги даврда ва бизнинг кунларда қандай тадқиқ этилганлигини ўрнатилади.

Тарихшунослик ижтимоий- тарихий тафаккур тарихи ҳақидаги фан бўлиб, у ёки бу даврнинг ҳолатларини ўзида акс эттирилади.

Тарихшунослик тарих фанларидан манбашунослик билан жуда яқин алоқада бўлиб, ҳар бир давр манбаларнинг кўпчилиги, уларга танқидий ёндашув ва фойдаланиш, тарихий тафаккурнинг, билимнинг даражаси, савиясини белгилайди.

Тарихшуносликнинг ривожланишида манбалар доирасининг кенглиги ва ўша даврдаги тарихий тадқиқот усули асосий омил ҳисобланади. Тарихий тадқиқот усуллариининг такомиллашиши(масалан: танқидий ёндашув, тарихий таққослаш ва бошқалар), янги (эпиграфик, археологик, нумизматик) манбаларнинг пайдо бўлиши тарих фанининг савиясига сезиларли таъсир кўрсатди. Тарихшунослик тарихнинг манбашунослик, археология, этнография, нумизматика ва лингвистика фанлари билан ҳамбарчас боғлиқ. [11 – 75 –б]

Жаҳон тарихи тарихшунослиги инсоният цивилизацияси ва тарихий тафаккур даражаси ҳаракатига қараб бир неча бўлимларга бўлинади. Булар қадимги, ўрта асрлар (медиевистика), янги ва энг янги давр тарихи тарихшунослигидир

Хусусан Ўзбекистон тарихи тарихшунослиги ҳам шартли равишда даврлар ва тарихий тафаккур ҳамда тадқиқот усулларида келиб чиқиб даврларга бўлиш мумкин. Булар Ўзбекистоннинг қадимги, ўрта асрлар, Россия мустамлакачилиги, советлар даври ва мустақиллик даври тарихшунослигидир.

Тарихшунослик тушунчаси икки маънода қўлланилади:

1. Тарихий билимлар тараққиёти ва тарихий тадқиқот усулларида доир фан маъносида.
2. Муайян тарихий даврга ёки муаммога бағишланган тарихий тадқиқотлар мажмуаси маъносида (масалан ҳозирги давр тарихшунослиги)

Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослиги деганимизда, Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги замонлардан ҳозиргача бўлган тарихига манба бўлиб хизмат қилувчи тарихий тадқиқот, яъни тарихшунослик асарларини тушунамиз.

Тарих фан сифатида қачон ва қандай пайдо бўлган? Бу саволга жавоб олиш учун антик, яъни қадимги тарихшунослик манбаларига мурожаат қиламиз.

Ёзувлар вужудга келгунга қадар эпик асарлар (эпос-грекча сўз бўлиб, достон, ривоят, афсона асарларини англатади) тарихни ўрганиш учун ягона манба эди (масалан, юнон шоири Хомернинг «Илиада», «Одиссея» достонлари, Ўрта Осиё халқларининг «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» достонлари, Владимир, Муромли Илья, Добрыня Никитич, Алёша Попович каби рус баҳодирлари ҳақидаги достонлар ёки «Игорь полки жангномаси

кўшиғи»...)

Ёзувлар ихтиро қилингандан сўнг эса тошлар ёки бинолардаги битиклар ва йилномалар –энг қадимги ёзма тарих манбалари ҳисобланади. Ўша даврлардаги воқеаларнинг гувоҳлари ёки замондошлари ёзиб қолдирган манбалар кейинчалик хаттотлар, шоирлар томонидан қайта-қайта кўчирилган ёки оғиздан-оғизга кўчиб бизгача етиб келган манбалар қадимий манба ҳисобланади. Чамаси, ёзуви бўлган барча халқларда битиклар ва йилномалар учрайди. Юнон олими Геродотнинг машҳур «Тарих»китоби бизгача етиб келган энг қадимги тарихий манбадир. Геродот Кичик Осиё (ҳозирги Туркия ҳудудида) соҳилидаги Галикарнас шаҳрида туғилгани учун, унга Шарқ таъсири ўтганлиги табиийдир. Цицерон замондошлариёқ Герадотни «Тарих отаси» деб аташган. Аслида Герадоднинг бу асари охирига етказилмаган (милоддан аввалги 470- йил гача бўлган воқеалар билан тугалланади) ва уни ҳозирги маънода илмий-тадқиқот деб бўлмайди. Шунга қарамай, унинг китоби воқеалар ва далиллар кўлами жиҳатидан ва бадий қиммати жиҳатидан ўзидан аввалги салафдошларидан анчагина баланд туради. [11 – 90 -б]

Герадод биринчи бўлиб Каспий денгизни Каспий халқлари номидан олганлигини айтади. Муаррихнинг буюк шахс эканлигини унинг қуйидаги холис фикрларидан ҳам билиш мумкин: «Мен ўзим эшитган нарсаларни ҳикоя қилаяпман, аммо уларнинг ҳаммасига ишонишим шарт эмас. Майли бу хулоса менинг янги асаримга ҳам таалукли бўлсин» Милоддан аввалги

V-IV асрларда яшаган Фукидиднинг Пелопеннес урушлари ҳақидаги асарларини дунёда биринчи илмий тарих деб эътироф этишади. Бу асар ўша давр тарихий воқеаларининг ишончли ва ҳақоний тасвирлангани билан ажралиб туради. Геродот асарига нисбатан Фукидид асари олға ташланган қадам эди. Фукидид китобида ҳаёт воқеаларига Олимп худоларининг аралашувини кўрмаймиз. Фукидид асарида тарихий таҳлилнинг асосий талаблари-воқеалар гувоҳларининг айтганларини таққослаш ва бевосита ўша воқеалар қатнашчиларининг ҳикояларидан фойдаланиш каби фазилатларни кўрамиз. Тўғри, Фукидид ҳам асотирлар, мифлардан фойдаланади ва бунда асосий этиборни тарихий тараққиётга, иқтисодий омилларнинг тасирига қаратади. Тарихий далилларни аниқ баён қилиш ва ҳақиқатни аниқлашга интилиш Фукидид асарининг асосий фазилатидир.

Тарихий воқеаларни ҳақиқатга яқин қилиб илмий баён этган, муаррихлардан яна бири, милoddан аввалги 11 асрда яшаган Полибийдир. У ўзининг «Умумжашон тарихи» асарида милoddан аввалги 220-146 йиллардаги воқеаларни эллинлар нуқтаи назаридан тасвирлайди :

Бу Ўрта ер денгизи атрофидаги барча энг муҳим давлатларнинг тарихини ўзаро боғлиқликда тасвирлаган биринчи асардир. Муаррих хулосасига кўра ҳар бир давлат тирик вужуд каби табиат қонуниятига асосан ўсади, ривожланади ва инқирозга учрайди. Полибийда биринчи марта «прагматик тарих» деган ибора учрайди. Ўз асарининг 2-қисмини муаррих прагматик усулда қуради: у воқеалар нима сабабдан, қандай мақсада юз берганлигини аниқлайди, яъни муайян воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини бирин-

кетинлигини ва оқибатларини баён қилади. [4 -98 –6]

Фукидид ва Полибий асарлари – антик, яъни қадимги давр

тарихшунослигининг чўққиссини ташкил этади. Кейинги юнон

муаррихларининг деярли барчаси уларнинг изидан бордилар.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Россия чоризми Ўрта Осиёдаги миллий давлат Қўқон хонлигига қарши босқинчилик ҳаракатларини фаол ва дадил олиб борди. Бу ҳаракатлар аста-секин кенгайиб кенг миқёсдаги урушга айланди. Ана шу Россиянинг Туркистонни истилочилик юришлари ҳақида бир қанча маҳаллий муаллифлар асарлари мавжуд бўлиб, уларда бу воқеалар ишонарли далиллар билан тасвирланган.

Рус қўшинларининг Қўқон хонлигига дастлабки ҳарбий юришларини маҳаллий ўлкашунос тарихчи Исҳоқхон Тўра ўзининг "Тарихи Фарғона" асарида тасвирлаган. У шундай ёзади: "1281 хижрийда Туркистон ва Авлиё ота Россия тасарруфига ўтди. Андин Чимкандга қасд этгони амирлашкарга эшитилди. Қўқанд аскарлари билан қиш вақтида Чимкандга келди, унда Русия аскарлари Туркистондан чиққани йўқ экан... Амирлашкар Туркистонга бориб, уруш қилмоқчи бўлиб Қўқонга борди. Туркистондан Русияга ҳеч писанд бўлмай, аҳамият бир оз солдат ила урушга кирди".

1864 йилнинг октябрида рус қўшинлари Тошкент шаҳрига дастлабки ҳужумни уюштирдилар. Мана шу ва кейинчалик Тошкентни босиб олиш ва Муҳаммад Солиҳ Тошкандий "Тарихи Туркистон", "Тарихи жадиди Тошканд" каби асарларида жуда яхши баён қилинган.

Шаҳар аҳли ва сарбозлари шаҳарни руслар ҳужумидан мудофаа қилганликларини тарихчи шундай тасвирлайди: "Қўшфармаончи Қипчоқ бошчилигидаги аскарлар Қўқон дарвозаси, Мирзо Ашмад қушбеги сарбозлари Қашғар дарвозаси, орасидаги девор устига ўрнашдилар. Мудофаага барча шаҳар аҳолиси отланиб, ғариблар, фуқаролар, қариялар, ҳатто ибодати номоздан кўра қўлимиздан келганча хизмат қилиш яхши ва савоб дейишиб, мужоҳидларга ва ғозийларга сув ҳамда озиқ-овқат етказиб турдилар" [15 -102 -б]

Русларнинг 1864 йил октябридаги юриши муваффақиятсиз якунланди. Уларнинг кейинги ҳарбий юриши 1865 йилининг майида бошланди. Тошкент мудофаасини тайёрлашда Алимкул саркарданинг хизматлари катта бўлди. У 8 май куни ўзининг катта қўшини билан Қўқондан Тошкентга етиб келди. 1865 йил 9 май куни икки томон кучлари тўқнашди. Жанг кутилгандан ҳам оғир ва шиддатли кечди. Бу воқеаларни Мирза Олим Тошкандий "Тарихи Туркистон" асарларида қуйидагича тасвирлайди: "Бир неча кундан кейин Русия аскарлари Тошканд устига келиб, қайтадан Қўқон дарвозасидан ҳужум қила бошладилар. Ўша вақтда Тошканд шаҳрининг тамом атрофини айлантириб, бино қилинган қалин ва баланд қўрғон, ташқари атрофида зовур қазилган ва ўн икки дарвозаси бор эди.

Бу жангни ўз кўзи билан кўрган Мушаммад Солиҳ Тошкандий "Тарихи жадиди Тошканд" номли қиссасида асарида қуйидагича тасвирлайди. "Бутун осмонни тутун ва чанг қоплаб олди, ниҳоят руслар яқиндаги тепалик томон

чекиниб, мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Қамалда ётган шаҳарликлар буни кўриб жуда қувондилар. Етти яшар боладан тортиб, етмиш яшар чолларгача ғалабани кутлаб, сарбозларга овқат, шарбат, иссиқ нон, мевалар келтириб турдилар. Лекин рус қўшинлари ўзларини ўнглаб, қайта ҳужумга ўтиб, Тошканд қўшинларини орқага чекинтирди". [11 -69 –б]

Даҳшатли жанг шундай қизиқ кетдики, еру кук ларзага келди, бутун осмон чанг билан қопланди, одамлар қаерда-ю қуроллар қаерда эканлигини ажратиш мумкин бўлмади. Ниҳоят, тошкентликлар енгилиб қоча бошладилар. Алимқулга ўқ тегиб ҳалок бўлди. Шаҳар руслар томонидан 15 июнда деярли эгаллаб бўлинди.

Тошкент босиб олингач, Россия имериясининг Туркистон масаласига дахлдор ҳарбий сиёсий масалаларни ҳал қиладиган, рус қароргоҳи хизматини бажарувчи маконга айлантирила бошлади. Тошкент Ўрта Осиёни мустамлакага айлантириш ҳужумларини ижро қилувчи таянч ҳарбий-сиёсий маъмурий марказ хизматини бажарди.

Бухоро хонлигининг, асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия билан чегарадош бўлган даври тарихи Мирзо Салимбекнинг асарларида ўз аксини топди. У сўнгги Бухоро амирлари даврида юқори мансабларни эгаллаган ва шу боис Бухоро амирлари шахсини улуғлашга интилган. Муаллиф асосан, хонлик сиёсий ҳаётининг ташқи жиҳатларини ёритиб, халқ ҳаётини ҳам тасвирлаган. Мирзо Салимбек ўз асарларида XIX аср иккинчи ярмида Россия Бухоро муносабатларига тўхталиб ўтган бўлса -да, уруш давридаги шаҳарлар аҳолиси аҳволини кам ёритган.

У Бухоро хонлигига қарашли , руслар босиб олган шаҳарларни санаб ўтиш билан чекланган, Самарқанд аҳолисининг 1868 йил апрель -майидаги амирга қарши кўтарилишининг асосий сабабларини очиб бермайди.

У руслар Самарқандни асосан эроний беклар сотқинлиги, "дарвозаларни очиб" берганликлари сабабли эгаллашди, деб ҳисоблайдилар.

Бухоро хонлиги тарихи мирзо Абдул -Азим Сомийнинг асарида XIX асрнинг тарихий воқеалари, 1866-1868 йиллардаги Россия-Бухоро уруши ҳақида кенг маълумотлар, Самарқандга рус кўшинлари хужуми олдидан Оқтепа қишлоғида ўтган ҳарбий кенгашга оид фактлар бор. Бошқа зомондошларига қараганда, у бу давр воқеаларини муфассалроқ тасвирлаган. У жамиятдаги турли сиёсий гуруҳларнинг фаолияти натижаларини баён қилади. Жумладан, 1868 йил апрелида амир Самарқанд беги қилиб тайинлаган Шерали иноқнинг зулмига қарши халқ қўзғолонини муфассал ёритган.

Ушбу асарни 1962 йилда рус олимаси Л.М.Епифанова форсчадан таржима қилиб нашр эттирган. Бироқ, Мирзо Сомийнинг асари камчиликлардан ҳам холи эмас. Уларни Л.М.Епифанова сўзбоши ва изошларида кўрсатган. Шу билан бирга Л.М. Епифанованинг баъзи хулосалари билан ҳам келишиб бўлмайди

Жумладан унинг сўзбошиси билан танишар эканмиз, Ўрта Осиё тарихи -уни Чор Россиясининг босиб олиши даврига бағишланган Аҳмад Дониш

асари мазмунан Мирзо Сомийнинг асаридан паст қўйилади

Л.М.Епифанова ҳисоблашича на Аҳмад Дониш, на Мирзо Салимбек Самарқандни руслар босиб олиши олдидан шаҳар аҳолисининг Шерали Иноқдан жуда норозилиги, рус қўмондонига мурожаат хусусида тўхталишмайди. Л.М.Епифанова "Сўзбоши"сида Салимбекнинг асарига тўғри баҳо бериш билан бирга Аҳмад Донишнинг Ўзбекистон Ф.А.Шарқшунослик илмгоҳида сақланаётган "Таржимат-ул-аҳволи амирон Бухорои шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад " асари Аҳмад Дониш "Бухоронинг манғит амирлари қисқача тарихи" асарида 1866-1968 йилги Бухоро -Россия муносабатлари, Ержар воқеалари, Жиззахнинг олиниси, Самарқанд аҳолиси исёнларини муфассал ёритиб, амир Музаффар ва амалдорларининг мақтанчоқлигини фош этган. У Бухоро амирлиги мағлубиятининг сабаби- амирликнинг техникавий-иқтисодий қалоклигида , деб тўғри таъкидлайди. [9 -37 –б]

Русларнинг Самарқандни эгаллаши санасида ҳам Мирзо Сомий каби, Л.М.Епифанова ҳам ноаниқликка йўл қўйган. Мирзо Сомий Жиззах олингач "15 кун ўтгач, қўшинлар Илон ўтти орқали Самарқандга йўл олгани"ни ёзади. Сўзбошида Л.М.Епифанова бундай деб ёзади:"Сомий бу ерда ноҳақ бу воқеалар ўртасидаги фарқ 15 кун эмас, бир неча ойдир. Жиззах 1866 йилнинг октябрида Самарқанд 1867 йилнинг майида эгаллаган. Бу фикр барча адабий ва архив материалларига зид келади. Маълумки Самарқанд 1867 йилда эмас, 1868 йилнинг 2 майида эгаллаган. Бухоро хонлиги Россия билан сулҳ шартномани имзолашга мажбур бўлган.

1873 йилда Хива хонлиги ҳам рус қўшинлари томонидан босиб олинди ва сулх шартнома тузилди. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishiни ўрганилиш масаласини ёритганда бир нарсага аҳамиятни қаратиш керак. XX асрнинг 90- йилларигача тарихшуносликда хусусан совет тарихчиларининг асарларида Россия Ўрта Осиёни босиб олгани эмас, аксинча Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi деб номлаб келинди. Шунингдек бу қўшиб олинishга прогрессив ҳодиса сифатида кўпроқ урғу берилди.

Рус армиясининг босқинчилик юришлари, уларга қарши маҳаллий аҳолининг миллий озодлик ҳаракати очиқ-ойдин ёзилмади. Юртимиз мустақилликка эришгач тарихшунослигимизда ушбу масалада жуда катта ўзгариш, янгиланиш юз берди.

Россия империясининг Ўрта Осиёда яратган 1865-1917 йиллар давомида метерополиядаги идоралар томонидан муҳокама этилган қонун лойиҳаси бир неча бор пишитилиб, моҳиятини тушуниш учун ўлка бошқаруви тизимлари идоралари таркибини билиш лозим.

Рус мустамлакачилигининг моҳияти ва унинг ўзга халқларни руслаштириши сиёсатининг бош йўналишини венгер олими Ҳерман Вембери 1871 йилда илғаб, бундай деб ёзган эди:

Русия шиддат билан усмоқда, Буюк Пётр замонида унинг аҳолиси 15 млн эди. Катерина тахтга чиққан йили 25 млн бўлди. Александр 1 ўлган йили

58 млн,га чиқди, ҳозир (1871й) эса 77 млн бўлибди. Нуфузнинг бундай шиддат билан кўпайиши русларда кўп туғилиш қобилятидан эмас. Аксинча, ишғол этган ўлкалардаги аҳолини тезкор руслаштира олишлари билан изошланади.

1.2. Қўқон хонлиги тарихшунослиги.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг ўз юрти тили маданияти қадриятлари тарихини билишга ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов асарлари тарихшунослик фанининг методологик асоси бўлиб хизмат қилади. «Тарихий хотарасиз келажак йўқ» асарида шундай ёзади: Модомики, ўз тарихини билган ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз халқимизни миллатимизни ана шундай тарих билан қуролантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Олимларнинг илмий тадқиқот ишлари замирида шу фикр устивор бўлишини таъкидлаб ўтганди: [14 -208 –б]

«Умуман мен фанни илғор тараққиёт прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини табиий қонуниятларини унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман... фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига ҳизмат қилиши лозимлигини унитишга асло аққимиз йўқ.

Мустақиллик туфайли юртимизда қадим-қадим замонларда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий

ҳаётни атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш имконияти вужудга келди.

Бугунги кунда ўзбек халқининг кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихини яратиш тарихшуносларимиз олдида турган долзаб масаладир. Президент И.Каримов таъкидлаганидек: «Советлар даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқишга мутлоқо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон ҳолис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч- ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар». Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим.[1 -93 -б]

Олий ўқув юртида ўқитилаётган Тарихшунослик фани Ўзбекистон тарихига доир ҳозирги давр тарихшунослиги ютуқларини кўзда тутиб, унинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий воситаларини, даврларни аниқлашга, бу фан тараққиётининг келажаги ҳақида баҳс юритади .

Тарихий асарлар мафкурадан ҳоли, объектив, ҳаққоний ёзилиши керак. Аммо ҳар доим ҳам бундай бўлмаган. Тарихий асрларни тарихшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, тарихни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз тарихига оид жуда кўп тадқиқот ва асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўрганиш ёзилиш услуби, илгари сурилган муаммолари, характерли хусусиятларидан хабардор бўлиш фойдадан ҳоли эмас.

Тарихшуносликни ўрганиш орқали ёшларда тарихга муҳаббат, тарихни

билиш, ўзликни билиш эканлигини англаш, моддий ва маънавий маданиятни кўз қорачиғидай асраш ҳисси уйғонади. Тарихшунослик Ватан тарихини ўрганишда, тарихий муаммолар устида баҳс юритишга, ижодкорликка илжомлантиради. Тарих-аждодлар ўғити, тажрибаси, бир қилинган хатони такрорламаслик ҳақидаги сабоқ, келажак сўқмоқларини ёритувчи чирок вазифасини ўтайди. [2 -154 –б]

Араблар Ўрта Осиёга янги диний таълимот-ислом таълимоти билан бирга янги ёзувни ҳам олиб келдилар. Араб ёзуви аста- секин бутун Эрон ва Туронга ёйилиб, Аббосийлар ҳукмронлигининг иккинчи асрига (яъни X асрга) келиб, мураккаб ўрта форсий-пахлавий ёзувини сиқиб чиқарди. Бунинг оқибатида шу бўлдики, шарқ халқларининг бой ёзма обидалари бизнинг кунларгача жуда кам сақланиб қолди. Мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръони Карим» араб ёзувида битилгани, шунингдек араб алифбоси нисбатан илғорлиги, товушларга асослангани, яъни ҳар бир фонема-товушга алоҳида белги-ҳарф борлиги ҳам катта таъсир кўрсатди. Ўрта Осиё халқлари орасида кимлар ва қачон биринчи бўлиб, араб ёзувини қўллай бошлаганлиги биз учун қоронғу. Бизнингча, араблар қўл остидаги ўлкаларда аста- секин табиий равишда шу ёзув қўллана бошлаган бўлса керак. Самарқанд яқинидаги Муғ ғоридан топилган Диваштич тилхати шу ёзувда битилган. Ишонч билан шуни тахмин қилиш мумкинки, араб ёзуви дастлаб маъмурий -хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилган бўлса керак. Чунки араб ёзуви содда, қулай ва тез ёзишли эди. Эҳтимол, кейинроқ йирик хажмдаги форсий ва туркий матнларни, панднома дostonларни ва адабий-тарихий рисоаларни

хам шу ёзувда битиш қулай кўрингандир? Ҳар ҳолда дастлабки вақтларда кўлёмаларнинг қайси тилда битилиши муҳим бўлгандир.

Шундай қилиб, VI-VIII-асрдан XX-асрнинг бошларига қадар бўлган Ўрта Осиё тарихшунослигига доир кўлёма асарларга эгамиз. Тарихшунослик ва манбашунослик тарих фанининг муҳим йўналишларидан бири, унинг назарий асоси ҳисобланади. Бугунги кунда тарихни ўрганишда тарихшунослик ўзининг услубий ва техник доирасидан чиққан. Муаммонинг тарихшунослигини билиш тарихчи тадқиқодчининг методологиясини аниқлаб берса, муаммога оид манбалардан хабардорлик унга адабиётлар билан қиёсий солиштирган ҳолда ҳолис (объектив) ҳулосаларни чиқаришга имкон беради.[6 – 173 -б]

Рус мустамлака ҳокимиятининг дабдабали равишда эълон қилган "Туркистон аҳолисини ҳарбий хизматдан озод қилиш ҳақида"ги эҳсоннинг Гирс ғоят нозик таъбирда фош қилган эди. Туркистон тадқиқотчилари ана шу масалага ўз вақтида ойдинлик киритганликларини эслаш ўринлидир "Илгарги Туркистонда- деб ёзган эди Аҳмад Заки Валидий, -эски одатга кўра аскарликка рағбат ва ҳавас бўлар эди. Ҳозир туркистонликлар аскарликдан озод этилганликлари сабабли аста-аста шижоатлари сўниб, бўшашиб кетдилар... Русия Осиёда ғоят узоқни кўзловчи сиёсат кетидан қувувчи ва бу кенг қамровли ҳаракатлари ҳеч қандай чек-чегара билмаган, ҳирс ва иштаҳаси эса кун сайин ошиб боровчи империалистик давлатдир. Рус миллати ҳам буюк давлатчиликка ниҳоятда боғланган, хусусий мулкка қараб

қолмай, ҳукумат кўрсатган ҳар -қандай жойга, ҳар қандай ўлкага бориб жойлашишга чамадони тайёр, ҳаракатчан ғайрати келади. Рус миллати бу ҳаракатчанлик ва ғайратни алоҳида бир уддабуронлик деб билади.

Мустамлакачи маъмурият ўлкани Россиянинг хом ашё базасига айлантиришга зўр ғайрат билан киришади. Суғориладиган жойларда пахтачилик ва пахта якка ҳокимлигининг ўсиши, ҳунарманд-косибчиликнинг инкирозга юз тута бориши билан деҳқонлар кенг оммаси, майда ҳунармандлар ва шаҳар камбағалларининг бошқа табақалари ҳам қашшоқлашиб борди. Натижада XIX асрнинг 80 йиллари охири 90- йилларда халқ оммасининг турмуш тарзи кескин пасая бошлади. Бунинг маҳаллий тарихчи Ибрат ўзининг "Фарғона тарихи" асарида шундай тасвирлайди: "Фарғонани суви сероб, ҳавоси тоза, меваси покиза, ерлари маҳсулдор бўлиб, Руслар давлатида бўлгандан буён неча даража тижорат ва зироат ишлари муровваж бўлуб, темир йўллар иншооти воситаси билан ҳамма ишлар осон бўлиб, деҳқонлари аксариятида пахта зироати илан ривожланиб, пахта тижорати бўлак ишлардан ривожда бўлиб, бунинг фойдасига алдануб, зироати миллийлари - буғдой, жувари, арпа эсмоқ йўқ бўлуб, овқатга сарф бўладурғон донларни экишларини эсларидан чиқариб, 1913 мелодийда пахта зироати ва тижоратига урунган кишилар қарз дарёсига ғарқ бўлганларини мушоҳода қилиб, авқот эсмоқга тушдилар, ҳатто ҳукуматдан авқот эсмоқ учун неча маротабадан тарғиб бўлса ҳам, пахтани ақчаси буларни авқот эсмоқдан қўйди. Алҳолда авқотларни ҳайвонот авқотини сотиб олмоққа мажбур бўлганлари буларни яна эски экунлари яхши эканини билдурди"

Туркистонда мустамлакачилик тузумини узоқ вақт сақлаб қолиш учун буюк рус давлатчилиги ғоясини амалга оширишга киришилди. Бу ишга рус зиёлилари ҳам сафарбар этилдилар.

Шўролар ҳукмронлиги даврида яратилган тарихий асарларда ушбу масалага яна бир томонлама ёндошиш давом этди. Уларда кўпроқ Туркистон қолоқ феодализм тузумида яшаб келганлиги, Россия таркибига қўшиб олинган бу катта прогрессив аҳамият касб этганлиги ҳақида кўпроқ гапирилди. Шўролар даврида руслаштириш сиёсати, иқтисодий қарамлик, пахта яккашқоқимлиги янада кучайтирилди. Подшо Россияси мустамлакачилик сиёсатининг узвий давоми эди.

Фақат Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин тарихшунослигимизда ушбу масала ҳаққоний ёритила бошлади.

Айниқса бу Ўзбекистоннинг янги тарихи китобининг 1-қисмида ўз аксини топди. Унда аниқ фактлар билан Россиянинг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсатининг аниқ башараси очиқ берилган.

Тарихимизнинг холис ёритилишига қарийб бир ярим асрдан сўнг эришдик Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олиниши ва мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши 1958 йилдан то 1989 йилгача бўлган даврда хато талқин қилиб келинди. Улар босиб олинишнинг реакцион моҳиятини халқдан яширишга ҳаракат қилдилар. Россия қўшинлари хонликларни "босиб олган эмас", балки "қўшиб олган" деб катта-катта китоблар, рисоалар ва мақолалар ёздилар. Мустамлака даврини тўлиқ ва ҳар

томонлама ёритиб бера олмадилар. Мустамлакачиликнинг халқимизни босиб турган муз тоғлари мустақиллик нурли тафтидан эриб кетди.

Чоризмнинг ижтимоий ва миллий мустамлака зулмининг чидаб бўлмайдиган даражага етиши натижасида халқ норозилик ҳаракатлари юз берди.

Туркистон халқларининг Россияга қарши миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги ҳам худди мустамлакачилик сиёсати тарихшунослиги каби даврлар ва уларнинг хусусиятларига ўхшашдир.

Бундай кўзғолонларга 1892 йил Туркистондаги вабо исёни, 1898 йил Андижондаги Дукчи Эшон кўзғолони, 1916 йилдаги Жиззах ва

Туркистоннинг бошқа жойларидаги кўзғолонлар мисол бўла олади.

1898 йилда Андижоннинг Мингтепа қишлоғида кўтарилган "Дукчи Эшон" кўзғолони халқимиз озодлик ҳаракатининг ёрқин саҳифаларидан биридир.

Бу озодлик ҳаракати ҳақида бизга маълумот берувчи тарихий асарлардан бири Фозилбек Отабек ўғлининг "Дукчи Эшон воқеаси" асари ҳисобланади.

Фозилбек Отабек ўғли (1879-1938) асли андижонлик, машҳур Отабек қозининг иккинчи ўғли, Фозилбек рус-тузем мактабини, 1923 йил Москвада қишлоқ хўжалик академиясининг битирган, сўнг Туркистонга қайтиб, янги пахта навларини етиштириш билан шуғулланган. [10 – 70 –б]

1927 йилда "Дукчи Эшон воқеаси" асарини нашр эттиради.

1916 йилги халқ ҳаракати ҳақида маълумотлар 20-йилларда пайдо бўлди, у даврда тадқиқотчилар орасида 1916 йил кўзғолонининг сабаблари, характерли ва унга баҳо беришда турлича фикрлар мавжуд эди. Г.Бройдо ва Т.Рискуловларнинг таъкидлашича, чор маъмурияти ушбу кўзғолонни

тайёрлаш орқали янги босқинчилик ва зулмга баҳона қидирган. Бу фикр Шестакова ва Е.Федорова томонидан кескин танқид қилинган, улар фикрича, чор ҳукуматига бу қўзғолондан ҳеч қандай фойда йўқ эди.

30-йилларда подшо архивидан 1916 йил қўзғолонига оид қимматли хужжат ва материаллар эълон қилинди. 1932 йилда Ўрта Осиё халқларининг қўзғолонлари тарихига оид хужжатлар тўплами дунё юзини кўрди.

1935 йилда З.Костелский ушбу қўзғолонга бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1916 йил қўзғолонини тадқиқ қилишга П.А.Ковалевнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Унда қўзғолоннинг Туркистон аҳолисини фронт ортига мобилизация қилиниши муаммоси, ўша ишчиларнинг ҳаёти ва қисмати, шунингдек, рус буржуазиясининг туб жой аҳолининг фронт орти ишларига мобилизация (сафарбарлик) қилиниши ва қўзғолонга муносабати масалалари тадқиқ этилганлиги қимматлидир. 1916 йил қўзғолони бўйича тарихчилар томонидан жуда кўп ишлар қилинган. Кўплаб архив материаллари, чор ҳукуматининг хужжатлари, жуда кўплаб Қўзғолон қатнашчиларининг хотиралари ишга жалб қилинган. Кўплаб монографик асарлар яратилган [5 – 139 - б]

Шўролар ҳукмронлиги даврида яратилган асарларда Туркистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракати бир томонлама ёритилди. Халқ озодлик ҳаракатлари реакцион қўзғолонлар деб баҳоланди. Масалан, Дукчи Эшон қўзғолони ўзининг ҳақиқий баҳосини ола олмади. Бу ҳақдаги китоб ва мақолалар асосан рус архив манбаларига асосланган ҳолда ёзилди, улар

танқидий қиёс қилинмади, муаллифлар шарқ тилларидаги манбалардан жуда кам фойдаландилар

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Туркистон халқларининг мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган миллий-озодлик курашлари ўзининг ҳақиқий баҳосини олди. [12 – 91 –б]

Миллий қаҳрамонларнинг номлари тикланди. Уларга оид архив материаллари, хужжатлар ошкор этилди, тарихий, бадиий асарлар яратилди. Ҳақ қарор топди, тарихимиздаги оқ доғлар ювилди. 2001 йилда Жиззах қўзғолонининг 85-йиллиги нишонланди. Жойларда ушбу санага бағишлаб конференциялар ўтказилди. Шунингдек, 1916 йил қўзғолони тарихшунослиги масаласида Д.Зияева бир қанча тадқиқотлар эълон қилди. Ўзбекистоннинг янги тарихи китобининг 1 қисмида ушбу масала жуда холис ва тўғри ёритилди. Китобхонлар ва қизиқувчилар учун тўпламлар эълон қилинмоқда. Туркистон халқларининг чоризмга қарши миллий-озодлик аракати юртимиз тарихининг ёрқин ва шонли саҳифаси бўлиб қолди.

II-боб. Тарихи Азизий тарих тилсими.

2.1. Асарда халқ ҳаётининг тасвирланиши.

Худоёрхоннинг охирги марта келиб Қўқон пойтахтига ўтирганидан кейин вазият анча чигаллашди. Ва лекин Худоёрхоннинг ўзи ҳеч бир жамоага хусумат ва гина қилмас эди. Негаки тахтга ўтирсам ҳаммага тенг подшо бўламан деб ваъда қилган эди. Агарда қипчоқлар ва қирғизлар ушбу ваъдани эшитганларида эди, Қошғарга Ёқуббек олдига бормаган бўлар эди. Нима бўлса ҳам Худоёрхон давлати тобора катталашиб борди. Худоёрхон руслар билан урушгандан кўра, солиқ тўлаб турганим яхшироқ деб ўйлади. Пулимни кўпайтирсам бўлади, чунки бошқа тарафдан келадиган ёв йўқ деб ўйлади. Худоёрхон ҳаёлида фақат айшу-ишрат қилиб, ҳаёт кечириш бош мақсадга айланиб қолди. Ўғиллари Насриддинбек ва Ўрмонхонбекларнинг тўйларини катта дабдалар билан ўтказди. Россия иззатини ҳам жойига қўйишга ҳаракат қилди. Худоёрхон Маллахоннинг ўғли Муҳаммад Султонни Хўжандда ўлдирди. Айрим маълумотларга кўра Қўқонда дафн қилинган дейилади. Худоёрхон аскарлари сонини секинлик билан кўпайтириб борди. Яхши милтиқларни Истамбулдан олиб келтирди. Яхши усталарни топиб келиб, ўшандай милтиқ ва тўппончаларни ясашни кўпайтиришни буюрди. Ўрда иморатларини битириб ва бозорларда янгидан расталар ва дўконлар бино қилди. Қўқонда ўз онаси номига мадраса бино қилдириб, Ҳаким ойим деб номлади. Укаси Марғилон ҳокими Султон Муродбек ўша мадрасага ўхшаш мадраса қурдириб, вақфлар тай-

инлади.Марғилон бозорида-Читфурушлик тўғрисида бино барпо қилинди.
Ўша даврда Қўқонда 250 та чит дўкони бўлган. [7 -59 –б]

Худоёрхон охирги асрида қипчоқ Мусулмонқулнинг ўғли Мулло Абдурахмонни ўзига катта вазир қилиб олди.Худоёрхон фуқаро қуввати билан Каттаариқни қазиб зўрға битирди.Ёрмозорлик аскар Норқулнинг айтишича Худоёрхон бу Каттаариқни қазишда кўпгина мардикорлар меҳнатидан фойдаланади.Отакул баҳодир Норқулни ясовул қилиб тайинлаган эди.Мардикорларга шу даражада азоб берилар эдики , аксари қариялар чарчаб , дам олиб тургани кўрилса дарҳол калтакланар эди.Бир қари кишининг оёғига бир мардикорнинг кетмони тегиб , мажруҳ қилиб қўйибди.Ботурбоши узоқдан келаётиб кўзи унга тушиб ,отини югуртириб келиб , баланд овоз билан ҳақорат қилади.У шундай дейди: Нима учун ўтирибсан ,ишламайсанми.Шунда қария кетмон теккан жойини кўрсатиб йиғлабди.Дарҳол бир мардикорни чақиртириб , ер қазитиб қариянинг устидан тупроқ ташлатади.Кечаси билан ҳамма худога илтижо қилиб чиқишади.Хон билан баҳодирнинг аҳволлари охиратда қандай бўлар экан. Кейинчалик Отакул баҳодирбошини халқ кўп хору зор қилиб чала ўлдириб ташлайдилар.Худоёрхон ва Султон Муродбеклар жасади ва авлод уруғлари кўп хору зор бўлишди.Ҳатто , Худоёрхоннинг ўзи ҳам ҳаж қилиб қайтиб келиб ,афғонларнинг Каррух деган мавзесида ўлимини топди. Норқул ясовулнинг айтишича Каттаариқ остидан сув тўхтамагандан сўнг сув тўхтасин деб ,Тўхтасин деган одамларни Каттаариқнинг сув урган қирғоқи остидаги ерларга кўмиб ташлаган эканлар.

Умуман олганда ,бу жаҳолат ишлари мусулмончиликка умуман тўғри келмайдиган нарсадир.Зеро ҳар бир тарихий даврда инсон манфати биринчи ўринга қўйилиши керак.Хон бу Каттаарикни қаздириб ,Асака деган мавзени юқорисида чархпалак қилиб , сув олиб чиқаман деб ва ҳам қирларни лабларида арик қаздириб , кўп юртларда мардикор солиб ишлатди. Қабристонларни буздириб , ҳар бир оила ўз яқинлари қабрларини бошқа қабристонга кўмсин деб буюрди.Ўрнини бозор қиламан деб уриниб кўрди. Сўнгра неча вақтларгача ов билан машғул бўлди.[3 – 48 б]

Хон куз фасли келганда Қўқонга қайтар эди.У билан бирга қирқ-эллик киши ёш гўдаклари билан келар эди.Худоёрхон Қўқонга , катта ўрда жойига бориб тушгандан сўнгра турли ўйинлар ўйнар эди.Худоёрхон ёшлигида ит уриштириш билан шуғулланган.У қайсарроқ хон эди.Қўқон , Марғилон , Андижон , Ўш , Намангоннинг аҳолиси хондан енгилроқ сиёсат юритишни талаб қилди.Чунки аҳолига нисбатан солинган солиқларни янада камайтириш , аҳолига нисбатан кескин чораларни камайтиришни назарда тутишган эди.Худоёрхон укаси Султон Муродбекни кўп аскар билан қўзғолон кўтарилиши мумкин бўлган жойларда назоратни кучайтириш учун жўнатди.Пўлатхон исмли киши ҳамма қирғизларга ўзини хон деб эълон қилди деб гап тарқаганда Худоёрхон ўйладики Абдурахмон офтобачи ва Мулло Исо Авлиёларни юборсаммикин деган фикрни ҳаёлидан ўтказди. Пўлатхон ўта сиёсатли ва қўзғолон стратегиясини тубдан ўйлаб чиққан киши эди.Абдурахмон офтобачи билан Мулло Исо Авлиёлар тоғ ичига

бориб , маслаҳат қилдилар. Худоёрхон жуда меъдага тегди , унинг ўрнига Андижон ҳокими Саид Насриддинбекни қўйиш лозим.Шунинг учун унга хат ёзмоқ керак.Ана шу мақсад учун анча ҳаракат қилишларига тўғри келди. Отаси Худоёрхон шариатдан чиқган , уни ўрнига хон қилиб кўтарайлик , Худоёрхонни бекор қилайлик. Мен Мулло Абдурахмон – лашкарбоши ва сипоҳсолар вазири аъзам бўлайин.сиз Авлиёни – бутун сарф ва хазиналарнинг устидан вазир қилдим.марғилон ҳокими Султон Муродбекни эса қўлга киритиб оламиз,- деб олдиндаги Мингшерни чақириб , ўзини катта хазиначи қилмоққ ва Султон Муродни Қўқонга боргандан сўнг хон қилиб кўтаришга ваъда берди. Сўнгра буюрди „Отакул баҳодирбоши иккалангиз Султон Муродбекни олдимга олиб келасизлар,, „Хўб бўлади,, - деб Султон Муродбекни Офтобачи олдига олиб келдилар. У Офтобачини кўриб хар қалай айтганини қабул қилди. Сўнгра Офтобачи ўз қипчоқларига буюрди „ Икки сув орасидаги ҳовлимга олиб боринглар деб унга бир қизини никоҳлаб беради , ва ўша жойда бекни сақлаб туришни то иккинчи фармони келгунча, Қипчоқлар бекни бошлаб келиб , буйруққа биноан иш тутадилар. Тоғ тарафдаги қўзғалончилар кўтарган хонлари Пўлатхон билан етиб келиб , Офтобачига салом бердилар. Сўнгра Сайид Насриддинбек ҳам ҳамма лашкар , хазина , қурол аслаҳалари билан етиб келиб ,Офтобачига салом бердилар. Сайид Насриддинбекни отаси ўрнига хон қилиб кўтарадилар.Лекин ҳукумат Офтобачининг ўзида ва у жуда катта ва қудратли кучга эга эди. Ҳаммага маълум бўлдики ўшал тоғ тарафдан ҳужум қилганлар ҳам айнан Офтобачининг фармони билан ҳужум қилган эканлар. Офтобачи Марғилонга келиб сўнгра Қўқонга

борди. Ғарази шу эдики , тўхтовсиз юриб бориб , Россияни дарҳол олиб йўқлаб юборади. Қурол яроғи кўп бўлишига қарамай ўзини руслар томон уради , ҳатто , шу ниятда Қўқон давлатининг хони Худоёрхон шунча замонлардан бери беҳад хазина сарф қилиб , тўплаб Фаранг, Афғон ва Истамбулдан муаллим олдириб келиб , таълим бериб , машқ ўргатиб , хўб айёр ва тайёр қилдирган жами йигирма беш минг аскарларнинг ҳаммасини бекор қилиб, фармон билан тарқатиб юборади. Яна Отақул баҳодирбоши маҳаллий аскар –ларнинг ҳаммасига , Исмоил Калла деган харбийни ва Кийикбой қипчоқни қипчоқларга бош лашкар қилиб , Хўжандга бориб руслар билан жангга тайёрланинглари Шу шиддат билан бориб босиб олсангизлар ажаб эмас , деган умидни қилиб юборади. Хўжандга бостириб кириб тўрт-беш русни ва ёш болаларни қўлга киргизган вақтида , рус аскарлари хабар топиб чиқиб ота бошлайди. Улар шошганларидан баъзилари отларини тескари миниб оладилар.

Бу ерда кўтарилган ғалаёнларни Тошкентга телеграмма ва почта орқали юборади. Ярим подшо ушбу хабарларни Оқподшога маълум қилгандан сўнг, уруш қилиш учун Фарғонага борасиз деб фармон берди. Бу урушларни ҳаммаси Абдурахмон Офтобачини қилган ишларидан бошланди. [3 – 51 –б]

Офтобачи Марғилонга келмасдан илгари ҳурматли ярим подшо генерал-лейтенант фон Кауфман фармойишлари билан Скобелев ва яна беш-ўн нафар ҳар хил тўралар ва ҳам бир рота отлиқ қозоқ руслар Қўқонга Худоёрхон ҳузурига меҳмон сифатида бўлиб келган эдилар. Абдурахмон Офтобачи билан Мулло Исо Авлиё хон фармойиши билан амир

лашкар бўлиб , хоннинг ўзига ёв ва душман бўлиб хуруж қилибдилар. Ўғли Насриддинбекни хон қилиб кўтаришга уриндилар.Худоёрхон бошига шунча хавфли иш тушган маҳали Скобелеев етиб келди.Улар етиб келиб бирга олиб чиқиб кетмаганда , аввалдан Худоёрхоннинг ўзи Қўқондан чиқибкета олмас эди. Агар ўзини бошини олиб кетса ҳам ,хазинадаги олтин , кумушни олиб кетолмас эди , деб халойиқ гапирар эди. Лекин Худоёрхон чиқиб кетгандан сўнг оддий фукаро киморбоз ўғри ва бебош кишилар кўрдиларки , катта ўрда ичида катта улуғлардан ҳеч ким йўқ. Ўзларини ўрдага кўзларига кўринган ашёларни олиб чиқдилар. Шаҳар катталари бир илож қилиб маслаҳатлар бериб иккинчи уларни киргизмадилар.[14 -38 -б]

Шу вақтда Абдурахмон Офтобачи ,Отакул баҳодирбоши , Кийикбой қипчоқ ва Исмоил Каллани лашкарбоши қилиб Хўжандга юбордилар. Офтобачи Насриддинбекни лашкарбошилар жўнаб кетганидан сўнг ,Қўқонда оқ кийгизга солиб хон қилиб , тахтга ўтказдилар. Офтобачи шаҳар ва қишлоқларга жарчиларни юборди. Ҳар ким русларга қарши урушмоқчи бўлса Қўқонга келсин. Кўчалар одамлар билан тўлиб кетди. Тўплар остини баланд тупроқ билан кўтариб мустаҳкамлаб , оғзини Сирдарёга қаратиб , атрофга беҳисоб мерганларни пистирмага қўйдилар. Пиёданнинг қўлида милтиқ , тўппонча қилич ва найза ушлаган одам шундай кўб эдики ҳисоби ҳеч кимга номаълум эди. Ҳаммасининг эътиқоди шу эдики русларни тезда тамом қиламиз деб хушёр қараб турдилар. Бу жараёни Туркистон генерал-губернатори генерал-лейтенант фон Кауфман кўп лашкари билан Тошкентдан чиқиб тўғри Хўжанд сари Маҳрам мавзесига келиб тушди. Офтобачи жуда катта ҳатодикга

йўл қўйди. Йигирма беш минг аскарга жавоб бериб юборди. Натижада халқ орасида турли хил миш-мишлар тарқалди. Рус қўшинлари тўплардан ўқ уза бошлади. Қипчоқлар , қирғизлар , мусулмон лашкарлари ва сардорлари Офтобачига қараб фармон кутиб турдилар. Офтобачи ҳеч нима демади. Халқ ёрдам бўлмаганидан саросимага тушиб ҳар тарафга қоча бошладилар. Бозорчи бечора одамларнинг қўпчилиги ҳалок бўлди. Оти бор кишилар қочишга ҳаракат қилдилар , баъзиларининг йўлларида отларини руслар тортиб олдилар. Офтобачининг ўзи шериклари билан жон сақлашга ҳаракат қилди. Офтобачи Отақул баҳодирдан гумонсиради. У рус аскарлари билан тил бириктирган бўлиши мумкин деб ўйлади Офтобачи. Рус аскарлари иззат –икром билан Қўқонга бошлаб кирилди. Руслар Қўқонга Насриддинбекни ҳоким қилиб, сўнг Марғилонга юриш қилди. [14 – 207 –б]

Лекин Офтобачи Маҳрамдаги жанг томошасидан қайтиб келаётган маҳалда , Султон Муродбек фурсат топиб , қипчоқлар диёридан қочиб , яширинча бир-икки нафар хизматкори билан тўғри Марғилонга келиб туўибди. Офтобачи Марғилонга яқин келган вақтида буни эшитиб одам юборди. Лекин Султон Муродбек Офтобачи билан учрашмади. Отақул баҳодирбоши ва бошқалар Офтобачи билан хайрлашиб , тоғ тарафга қараб кетдилар. Рус аскарлари Қўрғонтепага келиб жойлашдилар. Кауфман бу ерда бир неча кун турди. Султон Муродбек Марғилонда туриш учун Кауфмандан рухсат сўради. Отақул баҳодирбоши Полмон қишлоғи ичидан чиқиб келиб , таслим бўлганлигини эътироф этди. Кауфманга у ёқиб қолди. Унга Марғилон ва

тобе кишлоқларга ҳоким қилиб , қўлига ёрлиғ топширилди. Отакул баҳодирбоши Марғилон ичидаги ўрдага дабдаба ва қудрат билан кириб келди. Отакул баҳодирбоши Султон Муродбекга камбағалдек муносабатда бўлди. Отакулнинг рўпарасида мулло Абдужалил мирзабоши , Мингшер хазиначи ва Абдулвосе мирзо мунтазир қараб , салом бериб , мулозимат қилиб турдилар , лекин Отакул уларга ҳам қарамади. Эртаси куни Кауфман кўпчиликни йиғиб лак пулини Отакул баҳодирбошига топширасизлар Отакул баҳодирбоши йиғиштириб олиб менинг хазинамга топширади- деб Кауфман ошкора фармоиш берди. Отакул баҳодирбоши эртаси кунидан бошлаб солиқ йиғишни ясовуларга топширди. Аҳолининг бундай солиқлар тўлашга қурби етмас эди. Шу жихатдан аҳолининг бир қисми солиқларни тўла олмади. Кауфман Отакул баҳодирбошининг солиқларни сал кечиктириб тўлаш ҳақидаги талабига рад жавобини берди. Наманган ҳудудида ҳам аҳолидан шундай солиқ йиғиштириб олишга ҳаракат қилди. Кауфманнинг кейинги босиб олиш ҳудуди Ўш бўлди. Кауфман Марғилондан узоқлашгач Марғилондаги Валихон тўранинг эшигига Ёрмазорлик Ҳайитбой эшик оғаси ва беш-ўн нафар йигитлар келишди. улар Отакул баҳодирбоши русларга сотилиб маҳаллий аҳолидан лак пули солиғини мажбуран йиғиб олди. Унга нисбатан жазо чорасини кўришимиз керак деб айтишди. Отакул баҳодирбоши бу воқеадан беҳабар пайшанба бозори куни , патталарга муҳр босаётган эди. Ҳайитбой юзбоши тезлик билан ўрдага кириб Отакулга ташланди. Чошгоҳдан сўнг Отакул жон таслим қилди. Ҳайитбой ўрдани учкунгача талон-тарож қилди. Кауфман ушбу воқеадан хабар топгач , Марғилонга қайтадиган бўлиб турган ма-

халда , Ўш ёки Андижон тарафдан хабарчи етиб келиб тоғлар орасида Пўлатхон деган кишини хон қилиб кўтармоқчи деган хабар келди. Охири Пўлатхонга қарши курашишга киришди. Шу тариқа рус лашкарлари Андижонда кўп турмасдан Наманганга Марғилондан аскар юборсак бўлади деб рухланиб Наманганга йўл олди. Руслар Мусулмон халқларининг бир-бирларини уришишларини ,қайси жамоа қўшилиб қайсилари ажралишларини ўзларига қўйиб бериб кутиб турдилар. Улар Русларни кувиб юбордик – деб Андижон ичига кирган вақтида кўп мусулмон лашкарлари ва фуқароларнинг ҳар қайсиси томларидан ва кечалари девордан тешиб ўқ ота бошладилар.Бир полковник мадраса пештоқига чиқган вақтида мерган томонидан отиб ўлдирилди. Бу отишмада рус аскарларидан беш-ўн киши ҳалок бўлди. Руслар тўп ва милтиққа тутилиб жон сақлаб , Наманган томонга чиқиб кетди. Руслар Андижон кўчаларини яхши билмаганлиги учун ҳам шу жангда шошилиб қолган эдилар. Скобелев Наманганга кирган вақтда , Ботиртўра яни Пансодбоши амир лашкар бўлиб , руслар билан жангга киришди. Лекин у Наманганга ўт қўйиб кўп зарар келтирди. Ботиртўра йигитлари билан Наманган тоғ-чўлларида аскарлари билан рус қўшинлари билан урушди , сўнгра Марғилон томонга ўтиб юрди. Руслар Наманганда туришди , яримподшо эса бир неча кундан сўнг Тошкентга қайтди. Пўлатхон билан уришиб , бир тараф қилмоқ учун генерал Скобелевни қўйиб тайинлаб кетди. Скобелев Намангандаги ишларни назорат қилиб турди. Бироқ Пўлатхон руслар устидан зафар қилдим – деб тўғри

Асакага келиб жойлашди. Аскарлари билан жанга тайёргарлик кўра бош-лади. Марғилонга Тошбола исимли ҳарбий одамани ҳомийликга тайин қи-либ юборди. Ундан олдин Валихон тўрадан хурсанд бўлиб , Марғилон хо-кимлигини бериб юборган эди. Унинг учун Валихон тўра Марғилон мул-кини муҳофаза қилиб ва Калла Охун деган оғзи ёмон мудирлари кўрбоши-лик ишларини бажариб турди. Шу вақтда Султон Муродбек : “Менга яримподшодан ишора бўлди , ўзим хон бўламан. Марғилон шаҳри ичига кираман” – деб аввал ўз амалдорлари ва йигитлари билан Файзобод қиш-лоғида туриб олди. Ўша вақтда Пўлатхон хануз келмаган эди. Валихон тўра уламоларига масала қилиб : Султон Муродбек билан урушсак бўлади-ми деб сўради. Қозикалон ўша вақтда Аҳмад Бобо ва қози аскар Муҳаммад Бобо қози раис Юнусали эдилар. Урушса бўлади -деб фатво бердилар. Сўнгра Валихон тўра ёрмозрлик Ҳайит Муҳаммад юзбошини лашкарбоши қилиб , Марғилон ва Ёрмозор йигитларини Файзободга бекка қарши жангга юбора-ди. Ҳамма одамларга: ” Бугун жанг куни- деб фатво берадилар. Лашкарлар Файзободга бостириб борди. [3 – 53 –б]

Султон Муродбек энди тамаддим қиламан деб турган пайитда ,Марғилон лашкари ва фуқароси бирдан бориб қолиб , у зўрға Қўқон томонга қочи-кетди. Ясовулбоши уларни йўлини тўсишга ҳаракат қилди , аммо у отиб ўл-дирилди. Бўзчи қишлоғи Файзободликларни талон –тарож қилишадилар. Ваҳоланки Файободликларда ҳеч қандай айб йўқ эди. Бунга Қозилар ҳам ҳеч нарса демадилар. Улар қиш кунларида айниқса жуда қийналдилар.

Султон Муродбек тўғри Қўқонга борди , орқасидан бебош фуқаролар

кувиб : “ Бу русларга сотилган , ушлаб Пўлатхонга топширамиз , Марғилон-лик фуқаролар билан урушиб қочиб келди”- дедилар. Охири у Бачқирлик фуқаролар қўлларида бўлиб ,уни Пўлатхон Асакага келган вақтда ,рахматли Султон Муродни Пўлатхонга топширдилар. Бундан ташқари ҳам бир қанча ларни калтаклаб ўлдиришди. Русларга сотилгансан – деб Сайид Насриддинбекни ҳам ўлдирмоқчи бўлдилар , аммо топа олмадилар. Насриддинбек қочиб қутулибди. Аммо Қўқоннинг катта ўрдасига зўрлик билан бостириб кириб , топган хазинахоналарини очиб , талон-тарож қилиб , аскар одамлар бой одамга айланибди. Хатта гадою-қиморбозлар ҳам бой бўлиб кетишди. Бу ерга бойлик излаб қайта-қайта киришибдилар. [Орада] Пўлатхон Асакага келиб тушади. Буни эшитиб Султон Муродбекни сўраб олиб келтиради. Сўзлашиб бўлиб Акасидан муҳрини синдиришини сўрайди ,ва муҳирни Қилич билан чошиб ташлайди. Пўлатхон хазинадан тўн келтириб унга кийдиради. Тунда саркардалар келиб уни олиб чиқиб кетадилар. Уни Асакадаги катта қабристонга олиб борадилар , ва шу ерда жаллод қиличидан қийналиб жон беради. Ҳуллас Пўлатхон Асакадан кўчиб Марғилон ўрдасига келади. У Валихон тўранинг эшикларига ихлос йўлидан кириб дуо олиб , яна ортга қайтади. Салтанати жуда юқори даражага етиб , мартабасини Худоёрдек бўлибди. Қипчоқлардан , маҳаллий аҳолидан саркардалари кўп эди. У Қўқон ўрдасига келгандан сўнг , у ерни талон-тарож қилганларни билиб , хазинадан пул олганларни хатлаб ундириб олишга ҳамда Мулло Абдурахмон Офтобачи жавоб берган аскарларни милтиқлари билан тайёр қилишга

бир саркардасини қўмандон қилиб юборади. Ким русларга қарши урушмоқ истаса қўлига милтиқ олиб тайёргарлик кўришига фармон берди. Қўқонлик домулло Сармисоқхўжа эшон мударрис шогирдларидан талабгорлар кўп чиқади ва уларни амирлашкарликка чакириб ёрлик беради. Самисоқхўжа муллоларни Марғилонга олиб келиб Хонга кўрсатади. Андижондан ҳар куни хабарлар келиб туради. [5 – 63- б]

Пўлатхон ким русларга сотилган одамни билса ўз қўллари билан Жаллодга топширар экан. Ҳаммадан қирғиз халқи жамоалари кўп иноқ эдилар [Тилла ҳасс ва тилла пичоқ – амал рамзлари] қирғизларда эди. Пўлатхон Марғилон ўрдаси ичида бўлган пайтида жуда кўп одамларни сўйдириб юборади. Кўплаб каттаю-кичик ,қиз ва аёлларни гўдакларни ўз оналари кўз олдида сўйдиради. Негаки Худоёрхон ва Султон Муродбек кўп қирғизларни вахшийларча ўлдириб юборганлиги , қирғиз сардорларини ва Пўлатхоннинг кўнглида бор эди. Пўлатхонга гўдаклар аскар ҳаромидан ва ғуломлардан бўлганлигини етказадилар. Ваҳолангки Пўлатхон Марғилон ўрдасида бўлган чоғларида хон харамидан Ўттиз ўғил қирғизларнинг маълум ва машҳур бўлган , Оқсоч ойим деган бир аёл билан бирга бўлган эди. Пўлатхоннинг бу ишлари мусулмончиликга умуман тўғри келмас эди. Худоёрхон ва Султон Муродбекнинг ёш авлодларидан ҳеч ким қолмади. Қўқон ичида Муҳаммад Аминбек-Худоёрхоннинг ўғли онаси ёрдамида бу ёруғ дунёда омон қолади. Пўлатхон қирғиз сардорлари кимни яхши десалар айнан шу одамга вазифа берди. Тўсатдан “ Руслар Намангандан Андижон томонга юриш бошладилар” деган хабар йетиб келди. Пўладхоннинг ўзи Марғилон ўрдасидан чи-

қолмай қолди. Чунки унинг оёғи синган эди. Агар оёғи туалганда ўзи Андижонга бориб лашкарлари устида туриб ,уруш қилар эди. Абдурахмон офтобачи тарқатиб юборган барча сарбоз ва тўпчиларни қайта топиб Андижон томон юборди. Руслар Андижонга юриш бошлади. Жангга Скобелев бошчилик қилиб шаҳар томондан бостириб кирди. Қўқон шаҳридан ўн олти км узоқликда жойлашган Тўқайтепага кўниб , тўплар ёрдамида аскарларни ота бошлади.Руслар Андижонга ўт қўйдилар. Уруш Андижон ичини мисли оташга айлантирди. Руслар Андижонни эгаллагандан сўнг фуқаролар ҳар томонга қочиб паноҳ топдилар. Бу хабар Пўлатхонга етиб келди. Пўлатхон ҳамма мулозимларини масжидга йиғиб маслаҳат қилдилар. Маслаҳатдан сўнг жангга Офобачини юбордилар. Ҳамма лашкар ва сарбозларини унга топширдилар. Офтобачи Марғилондан Асакага қараб юрди. У Асакага бориб, ўзини қутилтирмоқ учун сулҳ тузди аммо бу сулҳни фойдаси бўлмади. У қўлга тушди ва Исо Авлиё ҳам қўлга тушди. Лашкари ислом тамом бўлди. Русларнинг қонунида бу Офтобачи ва Авлиёни иғвогар бузуғ деб айтар эди. [15 – 14 -б]

Пўлатхон буни

эшитиб бор мол-мулкини кечалари тоғ тарафга чиқариб,ўзи Маоз ибн Жабал мазорига чиқиб ,қайтиб Марғилондаги ўрдасига келди. Эртаси куни Ёрмозор ўрдасига келди. Ва бу ерда катта зиёфат бериб сарбозларини ичкарига олиб кириб сўйдириб ташлайди. Кўплари билиб қолиб қочиб кетадилар. Пўлатхонни бундай қилишига сабаб Русларга яширинча мактуб юборганларнинг бири унинг қўлига келиб тушади. Бу қўл берган одамларнинг ҳаммасини номлари

ва мухри бор эди.

Рус аскарлари Андижонни босиб олиб , сўнгра Асакага юриш қилдилар – деган сўзни эшитиб , Насриддинбек Қўқонга яқин келди ва Абдуллоҳни ушлаб асир қилиб олди. Пўлатхонни калласи шишиб кетди. Рус қўшинларини Марғилон томонга юришларини эшитган Пўлатхон Ёрмозордан Учқўрғонга юрди ва у ердан Қоратегин ҳукуматига ўтиб кетмоқчи бўлди. Тўсатдан мохир йўлбошчилар Русларни тоғ-қирлари орти билан бошлаб келишадилар. Тунда [урро] айтиб тўпга тутати. Пўлатхон ва қирғизлар мол-мулкларини ғанимат санаб , бир идож қилиб қочиб кутуладилар. Унинг барча бойликлари русларга қолди. Аммо руслар бу банди хотин-аёлларга рухсат берди .

Валекин мингтепалик Шоҳ мирзо додхоҳни русларга сотилганда айиблаб Пўлатхон сўйиб ташлаган эди. Унинг ўғли Абдулқаҳҳор мирзо Пўлатхондан қасд олишни дилига туғиб қўяди. Пўлатхонни тутиб келиш учун Қоратегин аскарларини юборади. Қоратегин аскарларини кўрган қирғизлар сипоҳлари қочиб кетадилар. Пўлатхоннинг ўзи яна орқага қараб қочади. Ва уни тоғ этакларидан ёлғиз ётган маҳалда Абдулқаҳҳор Мирзо қирғизлардан эшитиб, руслардан рухсат сўраб, Пўлатхонни ушлаб келиб генерал Скобелевга топширади. Ва Скобелев уни Мингтепага мингбоши қилиб тайинлади. [3 -75 –б]

Сўнгра генерал Скобелев Андижон ва Асака тарафлардаги ишларини бар-тараф қилиб, Андижон ва Ўш вилоятларига ҳоким тайинлаб, Марғилонга қараб кетади. Марғилонликлар уни иззат-икром билан кутиб оладилар. Генерал Скобелев кўп салтанат билан ўзи пиёда, аскарлари, тўпчилари, отлиқ қозоқ русларини атрофига олиб фукароларнинг кўзларига қараб келди. Аммо

Марғилон фуқароларидан айибли иш топа олмади ва Тупроққўрғон мавзеига етиб келди. Отақулни Марғилон ҳокими қилиб тайинлайдилар ва кўп ўтмасдан уни ўлдиришиб, ўрнига Валиҳон тўра Марғилон соҳиби бўлди. У рус қўшинлари устидан ғалаба қилишини таъкидлади ва унга ҳамма эргашидилар. Унга эргашганларнинг барчаси қурол-яроғларини созладилар, Валиҳон тўра Эски Марғилондан чиқиб Балиқчи деган қишлоқга бориб жойлашдилар. Улар русларга асло дуч келмаган эди, қўлларига милтиқ ушлаган эмас эди. Бирданига рус лашкарлари келганини эшитиб, қозоқ рус отлиқлари дарёдан ўтиб тўп ва милтиқга тутдилар. Андижон лашкарлари ҳар қайси ўз ҳолича баъзилари Шаҳрихон тарафга, Андижон томонга, баъзилари бўлак тарафга қочиб кетдилар. Русларга қамалиб қолган отлар, қурол-яроғ ҳаммаси қолиб кетди. Валиҳон тўра базўр қочиб қутилди. Марғилонлик Мулло Азим (Абдулжалил) мирзабоши ўқ тегиб жон таслим қилди. Унинг жасадини Марғилонга олиб келган дегагн таҳминлар мавжуд. Айрим таҳминга кўра ҳаммасининг жасади Балиқчи мавзеида ёки ташқарисида дафн бўлинди деган сўз ҳам бор эди. Махфий қолмасинки Худоёрхон ва Султон Муродбекни охири гапларга қараганда Мулло Азим мирзабошининг бўйнига жуда катта пул қўйиб гуноҳкор қилдилар. Охири бу жарима пулни укаси Мулло Абдулвали ва ўғли Мулло Абдулқодир тўладилар. Шунда ҳам қарзнинг бир мунчаси қолган эди. Султон Муродбек акаси Худоёрхонга айтиб қарзнинг маълум бир миқдоридан кечишга рухсат сўради. Ўшал вақтда қирғизлар билан қипчоқлар бир-бирига душман бўлиб қолди. Айрим хабарларга кўра Худоёрхон

синглиси ёки қизини Валихон тўрага берган экан. Руслар Фарғона водийсида ўта мураккаб сиёсат қилиб, бўлиб ташлаб ҳукумронлик қилишни даъват этдилар. Генерал Скобелев Фарғона водийсида қатор ислохотларни ўтказиш тарафдори эди. Жумладан Фарғона ҳудудида русларни кўпайтириш, кўпгина мансабларга рус миллатига мансуб кишиларни тайинлаш, ҳарбийлар сонини кескин кўпайтириш тарафдори эди. Рус ҳукумати маҳаллий аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва манавий ҳаётини тубдан ўзгартиришни асосий вазифасига айлантирди. Бу ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг ижтимоий ҳаётида кўпроқ ўз исботини топди. Аҳолининг зичлиги бу ҳудудда кўплаб кўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлди. Бу Пўлатхон бошчилигидаги кўзғолонда ўз исботини топди. Кауфман генерал губернаторлик даврида кўпгина зўравонлик сиёсатини юритди. Кауфман Кўкон аҳлига мурожаатнома қабул қилди. Унда сизларнинг бошлиқларингиздан биттаси бизларга, яъни русларга қарши уруш бошлади. Бу урушдан нима чиқганлигини биласизлар. Сизлар менинг оғир жазоимга лойиқсизлар. Лекин агарда сизлар, кўконликлар, қипчоқликлар ва қирғиз халқининг душмани бўлмиш, шунча хатарларни келтирган Офтобачини ушлаб топширсангизлар, менинг шафқатимни оласизлар, шундагина мен сизларга омонлик бераман деб халқга мурожат қилди. Ушбу мурожатноманинг реакцион моҳияти шунда эдики, у азалдан бирга ҳаёт кечириб келаётган қозоқ, қирғиз, қипчоқ, ўзбек халқлари умуман ҳудудлардаги барча туб жой аҳоли ва уларнинг вакиларини бир-бирга гижгижлади, қарши қўйди. Бу шовинизмнинг энг қабиҳ қуроли бўлиб, талаш ва

ўзаро нифоқ урушларини таъминлаган манбалардан бири бўлди.

Ватан туйғусидан йироқ, иймон, эътиқоддан маҳрум бўлган, пулга ва мукофотларга ўч айрим гуруҳлар фон Кауфманнинг сафларини тўлдирдилар. Халқ ҳаракатини бостиришда у қирғиз ва қозоқ йигитларидан кенг фойдаланди.[8 - 96 – б]

2.2.Асарда халқ қўзғолонларининг ёритилиши.

Пўлатхон қўзғолонини бостиришда Шабдон Жонтоев ўз йигитлари билан фаол иштирок этди. Лекин кўпчилик аҳоли унинг изидан бормади.Шаҳар ва

қишлоқларнинг аҳолиси қўзғолончиларга қўшилди. Абдурахмон офтобачи уларга туғ ва нишонлар берди. Ўн тўртинчи августда Абдурахмон офтобачи қўшини мустамлакачилар қўшини билан тўрт соат мобайнида тинимсиз жанг

қилди. Қўқонликлар мағлубят аламини тортди. Ўн олтинчи августда эса Ажабек билан Рустамбек қўшини рус зобити Геруа отряди билан тўқнашди.

Қўзғолончилар билан русл қўшинлари ўртасидаги жанглар тобора шиддатли тус олди. Жанглар мобайнида халқ озодлик кучлари Оҳангарон дарёси водийсидан ,Курама уездидан Маҳрам қалъасига чекиндилар. 1875-йилнинг 22-23 август кунлари Маҳрам қалъасида шафқатсиз жанг бўлиб ўтди. Бу жангда қўзғолончилар икки минг одамидан ажралди. Рус қўшинлари ҳам анча талофат кўрди. Абдурахмон офтобачи Кауфмандан омонлик сўраб мактуб ёзиб мурожат қилди.У эса буни рад этди. Беш минг қўзғолончидан фақат йигирма беш-ўттиз киши омон қолиб, улар ўз қўмандони билан Ўзганга қочиб кетдилар. Кауфманга қалтис вазиятларда Мирза Ҳаким

парвоначи ёрдамчи ва маслаҳатчи бўлди. Пўлатхон сотқинлар томонидан тутиб келинади, сўнгра уни 1876-йил 1-мартда Марғилон бозори майдонида халқнинг кўз олдида пайшанба куни ҳамма томонлари қора рангга бўялган хатто кафан кийдириб унинг ранги ҳам қоп-қора рангда, отлар ҳам қора зайтун ёғида бўялган қора устун ёнига, Скобелев аскарлари билан ўраган ҳолда олиб келишдилар. Фозил иноқ арқон учини Пўлатхон бўйнига ташлади ва шундай деди: Аҳволинг охири шу мартабага келар экан, бегуноҳ ҳону бегзода, бечоралар сенга қандай ёмонлик қилган эдилар? ” Унга Пўлатхон шундай деди: “ Сенинг номинг нима эди? Менинг тигимдан омон қолган экансан. Хайф армоним кўнглимда қолди” деган сўзини айтиб тугатмасдан-оқ дорга тортиб юбордилар. Баланд дорнинг тепасида бир кеча-кундуз бўлганда, арқон узилиб ерга тушди. Иккинчи арқонни солиб, яна тортиб юбордилар. Пўлатхонни жасади жами дорнинг тепасида уч кун осилиб турди. Охири Марғилон қози ва уламоларига “ Қабр қилиб, шариатларингизга кўра нима бўлса шунга мувофиқ дафн қилинглار” –деб руҳсат беришади. Унинг жасадини Қўштепа деган мавзегга олиб боришиб шу жойга дафн қилиб келишди. Сўнгра бир киши бориб Пўлатхоннинг тупроғидан бир мунчасини олиб келади ва бир касал ётган кишига беради у соғайиб кетади. Уни эшитган халқ тупроғни талон-тарож қилишадилар. Скобелев фармоишига биноан бу ерда руслар яшайдиган шаҳар қилмоқчи бўлиб турган вақтда, генерал Скобелевни Истамбул урушига юбориш учун мактуб етиб келади.[11 -16 б]

Шунда Самарқанд губернатори Абрамов келгандан сўнг Янги Марғилон

шаҳрини бунёд қиладилар. Аввал русларга кейинчалик маҳаллий аҳолига ерлар берилди. Ободончилик ишларига киришдилар. Бу уезд ҳокими аввалдан Султон Муродбек давридаги дафтарларни йўқлатиб топиб олиб, ўша вақтларда хизмат қилган мирзою саркорларни йиғиб, ерларни ўлчовчиларни чақириб, ер ҳақидаги дафтарни туздириб олди. Барча мусулмонларнинг ишларидан хабардор бўлиб туриш учун ёнида Абдували мирзони сақлаб турди. Бир –икки йилдан сўнг хирожни қозикга ҳисоблаб, пул олишга буйруқ берди. Подшолик маҳкамасидаги тилларнинг барчасини рус тилига ўтказадилар. Мингбоши сайлови бўлган пайтда аскар одамлар мингбоши бўлгани кўрқиб қабул қилиб ва қилмасдан ноилож муносабат йўли билан ҳам одамлар мингбоши бўлиб қолдилар. Руслар мингбошиларга ойлик маош бердилар. Руслар ҳамма ишларини билиб, хужжатларини қилдириб, маҳкамага ёзиб боргандан сўнг, мирзолар ва саркорларнинг жавобини берди. Марғилон уездига янги ҳоким Арванистаки вақтинча ҳоким бўлиб турди. У ерларни ҳолатини аниқлаш учун ҳар қайси ерларга Танобчиларни юборди ва уларнинг ҳар қайси учун хизмат ҳақи ажратиб турди. Улар ҳар икки тарафдан ҳам ҳақ олар эдилар. Вақтинча майёр Арванистаки Наманган уездига ҳоким бўлиб кетди ва унинг ўрнига Тошкентда турувчи полковник Мединский деган рус Марғилон уездига ҳоким бўлиб келди. У бир йилча ҳоким бўлиб турди ва Фарғона вилояти маҳкамасига хизмат қилишга жўнаб кетди. Ўрнига Марғилон уездига капитан Алексейев исимли иши ҳокимликга тайинланди. Руслар Марғилон ерларига ер ўлчагичларни чиқариб таноб торттирди. Ерларни тоифаларига қараб уч қисимга бўлиб, шунга қараб таноб ёзди.

Землемер подшолик ерларидан вақф ерларигача ажратиб баёнлаб таноб торд-
ди. У ҳам бу ердан кетгандан сўнг ўрнига капитан Дейбнер исмли рус
Марғилон уездига ҳоким бўлиб келди. Унинг ҳокимлиги даврида ҳамма за-
котлар: бўрдоқи закот, чорва моллари закотиға барҳам берилди. Ҳамма
савдогарлар ўз қуватиға қараб хазинахонадан қоғоз олиш тартиби жорий
қилинди. Бу ҳокимға катта ноибликға капитан Иванов тайин бўлиб келди.
Кичик ноибликға эса Крамчовиский деган узун оёқли бир киши тайинланди.
Аслида бу иккаласи ҳам аскарлар ичида хизмат қилган эдилар. Иванов охи-
ри фуқаро – ҳалқнинг арз-додига табора бепарволик қилиб, қиморни кўп ўй-
наб қарздор бўлиб юраверди. Марғилон ҳокимининг иккинчи ноиби Зо-
данский Фарғона туманиға қарашли қишлоқ Водилда иккинчи ноиб бўлиб
бошқариб турди. Мазкур Дейбнер ҳокимни Ўш уездига ҳоким қилиб юбор-
ди, аммо Ўш ҳокими капитан Тумични Марғилон уездига ҳоким қилиб кел-
тиради. У Марғилон уездига келиб қараса аҳвол жудда қийин эди. Одамлар
жуда қийиалаётганин кўриб ,бир неча тадбирларни ўйлади. Аввал Фарғона
вилояти маҳкамасига ариза ёзиб , Марғилон уездига қурт уруғни тозалаб
қурт
тутарға , ер сотиб олиб , Америка уруғидан олиб келиб , деҳқончилик қилиб
фуқароларға олган ҳосилларини кўрсатди. Пилла уруғини тозалатиб , қурт
туттириб , кўп пилла олишни фуқароларға кўрсатиб , расман жорий қилдир-
ди. Ўш пахта заводи бино қилиниб , ҳаммага манфаъатини кўрсатди. Буни
кўриб Эски Марғилонда қозигузарлик эшон Ғиёсиддинхўжанинг ўзлари ва
ҳам бу зоти шарифнинг катта ўғиллари Сайид Аҳмадхонхўжа Марғилонда

ва Тошлоқда пахта зоводларини куриб ишга тушурдилар. Уларни кўриб Мулло Абдурахмонхўжа эшон ҳам завод бунёд қилди. Сўнгра Мулло Мирзо Олимбой , Муҳаммадшоҳўжа , Сайид Мусохўжа ўғли , Мулло Муҳаммадхўжабой ва ҳам Мулло Отабек ва бошқа бой одамлар зоводларини бунёд этадилар. Марғилон уездидаги фуқаролар , шу Томич ҳокимнинг қилган тadbирларидан бойлик тўплаб ўз ларини тиклаб олади ва ўлпонларни ҳам тўхтамасдан тўлай олишга эришадилар. Алвиз тўра Оқпилол қишлоғига келиб пилла тутиб тоzza уруғ берадиган бўлди. Натижада Фарғона вилоятида пиллачилик соҳаси тараққий топди. Асосий пилладан келадиган даромад рус хазинасига тушадиган бўлди. Ҳалқ эса ҳеч бир даромадсиз қолаверди. Подполковник Томич унга қарши рус аскарлари орасида тарғибот-ташвиқот ишлари бошланганлигини сезиб қолди. У ишдан кетмоқчи ҳам бўлиб кўрди. Натижада Андижонга бориб ишдан бўшаганлигини билдирди. Унинг ўр-га Марғилон уезди , янги Марғилон ва Андижон уездига иззатли Бряннов ҳоким бўлиб келди. Бу ҳоким даврида ер ислоҳати ўтказилди. Лекин бу ҳоким даврида 1898-йил Мингтепада яшовчи Дукчи эшон бир кеча ичида ўзининг йигитлари билан тўғри Андижонга боради. Йўлда учираган рус ларни ўлдириб бир оёғини отнинг арқонига боғлаб қувиб юборади. Ҳамма рус аскарлари тинч уйқуда эдилар. Бирданига кўзғалончилар бостириб кириб , ҳамма аскарларни қиличлар тезлик билан яксон қилдилар. Рус аскарларининг милтики , қиличи , найзалари қўлга киритилди. Дукчи эшон кўзғалони кескин тусда бир вақтда бошланмади. Оддий таёқлар эшон дуоси билан ўт очар мил-

тиқга , белбоғ эса ўқ ўтмас қалқонга айланди деб ҳайқирганлар ишончини мустаҳкамлаб ,олға бошлади. Муҳаммад Али гарчанд қўзғалон ташаббускори бўлса ҳам унинг боришини идора қилолмай қолди. Қудратли тўлқин уни ўз домига тортиб , оддий иштирокчига айлантириб қўйди. [9 -141-б]

Ўша воқеалар гувоҳининг ҳикоясига кўра “ Мингтепада қиёмат барпо бўлиб , ҳамма хотин - халаж , эркак кўчага чиқиб , Эшон хон кўтарилди деб шойи қилдилар. Хуфтон вақти эди , бирданига ҳар ким қўлига тушган нарсани олиб , яъни кимдир пичоқ , кимдир топпонча , кимдир милтиқ олиб , тахминан олти юз киши шаҳарга жўнаб қолишдилар. Булар кечаси билан юриб ,эрта саҳарда Андижонга, Чакондга келдилар” Қўзғалон қатнашчилардан бири- Матмусанинг маълумотига кўра , 17-май куни кечқурун Тожик қишлоғида “ғазоват, ғазоват” деган ҳайқириклар янграб , узоқдан Муҳаммад Али бошлиқ қўзғалончилар кўринди. Олдинги қисмга мулла Аҳмад исмли қирғиз бош бўлиб , у телеграф симларини қирқишга буйруқ берди. Улар йўлда Асака приставини учратиб ,уни ўлдиришди. Эшон қўшини иккига бўлиниб , бирига мулла Зиёвуддин Маҳсум бошчилик қилди. Қўзғалончилар Қутчи қишлоғига қишлоғига киришганда яна уларга икки юз киши қўшилдилар. Қорақўрғон ва Оқчидан ўтиб Кўйлига яқинлашишганда уларга мингбоши Ғойибназар ўз йигитлари билан қўшилдилар. Мингбоши рус мирзоси Бичковнинг калласини қўлида ушлаб , эшонга тортиқ қилади. Эшон Ғойибназарга раҳмат айтиб , маҳаллий нопок қози Мулла Қўлдош Холмат ўғлини тутиб келишини буюради. Қўзғалончилар Андижонга яқинлашганда уларга бой савдогар Алибой қуролланган 150 йигити билан

кўшилади.Эшонга кўшилган бу йигитларга аввал русларда хизматкор бўлиб , кейин эшонга мурид бўлган Муҳаммад Зулум раҳбарлик қилади.

Андижоннинг Эски шаҳрига кираверишида Муҳаммад Али уч йигитни жарчи сифатида олдиндан шаҳарга юборади.Эски шаҳар қоровул миршаблари “ғазот , ғазот” дея хайқириб келган жарчиларга қаршилик кўрсатмай , уларни ўтказиб юборишади.Орқадан изма-из етиб келган 163 киши қоровуллардан бири йўлбошчилигида 20-Туркистон линия батальон казармасига бостириб киришади.Улар казарманинг пирамидаларида турган 30 га яқин милтиқни ўлжа қилиб олиб , ухлаб ётган биринчи қатордаги аскарлар устига ташланишади.Уларга пичоқ , ханжар уриб туришганда иккинчи қатор , ичкаридаги аскарлар уйғониб қаршилик кўрсатадилар. Чорак соатча давом этган отишмадан сўнг кўзғолончилар тўрт ўлган шерикларини ташлаб чекинадилар.Улар Эски шаҳарда соат олтиларгача кенгаш ўтказадилар.Натижада бир қарорга келишолмай Қорабура тарафи билан орқага чекинадилар.Шаҳарга кирмаган кўзғолончилар эса “Афғон бош” деган жойда рус тўрасини ўлдирадилар.[6 – 47 –б]

Шаҳардан чувалашиб чиққан кўзғолончиларни кўрган шаҳар аҳли ҳайрон бўлганча нима ҳодиса рўй берганлигини тушунмай қолди.Гувоҳларнинг эслашича “Эшон Янги шаҳардан қочганида ва Чокандга қараб келаётганида баъзи сўфилар отларини кўчага ташлаб , Чоканддаги боғларга кириб бекиниб қоладилар.Эрталаб Чоканд аҳли боғларида уларни кўриб , аҳволини билиб , кўрканидан кўзғолончиларга эски тўнлар бериб , салла-

ларини куйдириб , мардикорларга ўхшатиб , ишлатиб қоладилар.Эшон билан Эски шаҳардан қочганлар Қорадарёдан кема билан ўтганча ҳар қайсилари ўз жонларини сақлаш фикрига тушиб , тўғри келган томон қочадилар”.Андижонда ,айниқса руслар яшайдиган Янги шаҳарда мустамлакачи амалдорлардан тортиб то оддий фуқароларгача ваҳима тушиб уйларига беркинган ва мусулмонларнинг ялпи хужумини кутган. Ҳатто туманбоши полковник Конёшевский ҳам кўчага чиқишдан қўрқиб , уйида беркиниб ётади. Эски шаҳар оқсоқоли Холбаҳодир мингбоши унинг олдига келгандагина у воқеани тинч тутаганини билган. Фозилбек Отабек ўғли туманбоши полковник Коншевскийнинг мингбошидан воқеани суруштириб , кўнгли таскин топиб , кейин казармага боргани , 23 аскар ва 4 қўзғолнчи мурдасини кўрганини ёзади. Туманбоши дарҳол сим қоқиб , аскар чақиради ва улар уч соатнинг ичида Андижонга етиб келишганин ҳам ҳикоя қилади. Рус аскарлари Янги шаҳардан бошлаб кўзга кўринган мусулмонларни отиб ташлайдилар. Хусусан ,беихтиёр ва бу воқеалардан мутлақо беҳабар ишлашга чиқганларни минглаб деҳқонларни ва ҳунармандларни рус мустамлакачилари отиб ҳалок қиладилар. Руслар худди шундай бешафқат сиёсатлар олиб борадилар.

1898-йил Фарғонага вагон –вагон ҳар ҳил миллат вакиллари келтирилди ва еру мулкларнинг нархлари кўтарилди .Қурилган биноларга турли услубда нақшлар берилиб безатилди. Марғилон уездига тегишли тоғ ва қирлардан мрамртошларни осонлик билан олиб келиб ишлатадиган бўлдилар. Кўмир маъданларини ҳам жуда кўп жойлардан топиб ҳаҳлаганларича олиб кетадиган бўлдилар. Бир мардикор бир кунга бир сўм олар, баъзи ҳолларда эса

бундан ҳам кам ҳақ олар эдилар. Пахта ва пилла баҳоси жуда ҳам кўтарилиб кетди. Хамма жойларга пахта экиладиган бўлди ва ғалла экилмайдиган бўлди. Қўқон хонларининг вақтида Фарғона аҳли орасида пул кам ва архончилик эди. Мулк қилишга ҳеч кимнинг хохиши йўқ эди чунки тахтга ўтирган ҳар қайси хон ўз номидан чақа пуллар чиқарар эди. Олдинги чиқарилган чақа пулларни йўқ қилар эди. Кимда-ким Рўзаи моҳи шарифи рамазонда ҳар бир одам икки кун олдин ҳаракатга тушар эди. Муллоларни жуда қадирлашар эди. Олим ва Муллоларнинг олдида бойлар дунё иши тўғрисида сўз очишга ҳаддилари сиғмас эди. Бечора камбағаллар ва оч одамлар қийналиб бойлар олдида борсалар пул топиб берар эди ёки ғалла сўрасалар ғалла берар эдилар. [3 – 98-б]

Эски Марғилон шаҳрида бўлмиш машҳур савдогарлар. – Исмоил махзум лақаби Карнай махзум, Жуда саховатли , ҳурматли киши , кўп масжидлар , мадраса ва вақфлар қурган. Катта бозордаги Ғишдин мадрасасини ҳам шу киши бунёд этган , ёнидан ҳаммом қурдирган ва унга ерлар ажратган инсон.

- Муҳаммад Иброҳим бой отлиғ киши яхши савдогарлардан шарафлиси
- эди.

-Мир Салимбой , катта савдогар Қози гузар маҳалласида бир яхши ва катта мадраса қурдирган киши.

- Муҳаммад Каримбек отлиқ савдогар Тошлоқ маҳалласида бир чиройли мадраса қурдирган киши.

- Эски Марғилонда Ҳожи Азимжонек. Бу киши ҳам чан адад масжидлар

бунёд қилди.

- Мулло Охунжонбой ҳожи. Исмоил махзумнинг ўғли. Умрининг сўнги йилларида вақфлар тайин этган.

- саҳовапеша ва бечора одамларга кўп ёрдам берган , эски Марғилонлик Бобоёр Мирзо Салимбой ўғли эди.

- Бу эски Марғилонда яна бир яхши инсонлардан бири Мулло Муҳаммад-шариф Мирзо. У инсонларга ситқу дилидан ёрдам берган ва масжиду мадрасалар бунёд етган шахс. Унинг икки ўғиллари ҳам отаси изидан юриб кўп саҳоватли ишларни амалга оширган эдилар. Яна ҳамма Фарғонага қарашли шаҳарларда кўчаларни кенгайтириш ишларини олиб борган киши бу Мулло Солиҳжонбой эди. Ҳалқ орасидаги бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиб, кўп закот ва еҳсонлар қилиб , ширин сўз инсонларни тўғри йўлга солувчи инсон бўлган. Эски Марғилондаги Янги каноб бозорига ва бекатга элтадиган йўлнинг катта ва Скобелев шаҳри кўчасидек кенг қилишда жонбозлик кўрсатди. [3 – 124 –б]

Хулоса

Тарихга холисона баҳо бериш , тарихимизни қиёсан ўрганиш – бу асосий тамойилимиз саналади. Ана шу ҳуқуқни бизга Истиқлол инъом этди.

Тарих – улуғ ва доно муаллим. Унинг сабоқларига амал қилиш ҳар бир шахсни , эл улусни , миллатни эзгули кенгликларига олиб чиқади , саодат эшикларини очади.

Тарих ўтмишдаги воқеалардан тўғри хулосалар чиқариб , халқларъаро дўст –қадирдон бўлиб ҳаёт кечириш учун ҳам шрганилади. Ана шундагина тарих илми ўз вазифасини тўла адо этган бўлади. Ўрта Осиё ҳудудининг босиб олган ва халқларга жабр –зулм ўтказган рус ҳукмдорлари , генераллари , ўзгалар бойлиги ва хом –ашёсини шмаришга иштиёқманд савдо –саноат доираларини асосий айибдорларидир. Буни тўғри англаб етишда ҳаққоний ҳақиқат , яъни фани ёрдамга келади. Шу асосида Фарғона вилоятидаги рус мустамлакаси давридаги маънавий ҳаёт оқибатлари ёритилишига ҳаракат қилинган.

Хулоса шуки , ардоғлаш ва севиш лозим , шундагина олдинги авлодларимиз қилган камчиликлар қайтарилмайди. Зеро ватан – муқаддас даргоҳдир.

Фойдаланилган Адабиётлар.

- 1. Каримов И.А.** Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликга таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари . Т. 1997.
- 2. Каримов И.А.** Юксак маънавият енгилмас куч. Т. Маънавият. 2008.
- 3. Муҳаммад Азиз Марғилоний.** Тарихи Азизий . Т.Маънавият. 1999.
- 4. Набиев А.** Тарихий ўлкашунослик . Т. Ўқитувчи. 1979.
- 5. Бобобеков Ҳ.** Қўқон хонлиги. Т. Фан. 1996.
- 6. Раҳимов Ж.** Туркистоннинг чор Россияси томонидан забт этилиши. Т.ЎЗПФИТИ. 1996.
- 7. Юсупов Ш.** Худоёрхон ва Фурқат. Т. Шарқ матбаа конуерти. 1995.
- 8. Зияев Х.** Чоризм истелоси . Шарқ юлдузи .1993
- 9. Аҳмаджонов Ғ.** Марказий Осиё ва Россия. Т. 1997.
- 10.** Фозилбек Отабек ўғли Дукчи Эшон воқеаси.Т. 1992.
- 11. Саидқулов Т.** Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослиги лавҳалари. Т. 1993.
- 12. Аҳмедов Б.** Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т. 1991.
- 13. Набиев Р.И** Из истории Кокандского ханства.(феодалско-хозяйство Худоярхане) Т. Фан. 1973.
- 14. Воҳидов Ш.** Қўқон хонлигида тарихшунослик мактаби.Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. 1998.

- 15. Маҳмудов Ш.** Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарув тизими. (1709- 1876 й й) Тарих фанлари номзоди илмий докторлик олиш учун тақдим этилган диссертация автореферат. Т. 2007.
- 16. Ўзбекистон тарихи** (қисқача маълумотнома). Т., “Шарқ”, 2000.
- Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам № 2. -Т., “Шарқ”, 1999.
- 17. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси.** Лойища. // “Ўзбекистон тарихи”, 1999, 1-сон.
- 18. Ўзбекистоннинг янги тарихи.** 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида,. Т., “Шарқ”. 2000.
- 19. Ўзбекистоннинг янги тарихи.** 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Т., “Шарқ“, 2000.
- 20. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари**-Т.-2001.
- 21. Сагдуллаев А, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норқулов Н.** Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият қуриш тараққиёти. Т., 2000.
- 22. Ражабов К.** Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар.-Т., “Ўзбекистон”, 2000.
- 23. Зиёев Ҳ.З.** Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., “Шарқ“, 1998.
- 24. Алимова Д. А., Голованов А.А.** Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари.-Т., “Ўзбекистон”, 2000.
- 25. Азамат Зиё.** Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.,”Шарқ.” 2001.
- 26. Аҳмаджонов Ғ. А.** Россия империяси марказий осийда- Т.,”Таълим

манбаи”-2003.

27. Жўраев М, Р.Нуриллин, С. Камолов. Ўзбекистоннинг янги тарихи-2

Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Т., “Шарқ” 2000.

28. Мадраимов А, Г. Фузаилова. Манбашунослик- Т., Ўзбекистон файла-

суфлари миллий жамияти . Т.,2008.

МУНДАРИЖА.

Кириш.....2

I-боб .Ўзбекистонда тарихшуносликнинг ривожланиш босқичлари.

1.1.Тарихшуносликда рус босқининг муаммолари.....9

1.2. Қўқон хонлиги тарихшунослиги.....22

II-боб. Тарихи Азизий тарих тилсими.

2.1. Асарда халқ ҳаётининг тасвирланиши.....31

2.2.Асарда халқ қўзғолонларининг ёритилиши.....47

Хулоса.....57

Фойдаланилган адабиётлар.....58